

"КИШЛОК ХҮЖАЛИГИДА  
МАНФААТДОРЛИКНИ  
ОШИРМАСАК,  
САМАРАДОРЛИККА  
ЭРИШИБ БҮЛМАЙДИ" Ш.Мирзиёев

05

МЕХНАТИ ОРТИДАН  
КАДР ТОПГАНЛАР

10

Махсулот сифати  
доим назоратда

30

PDF Compressor Free Version



# IFODA

Birgalikda yetishtiramiz!

## Агрожурнал

"Ўсимликлар вируси"  
ёхуд бактериал  
куйиш касаллиги

44

#3 | 05-06•2020

IMPORT

www.lfoda.uz/magazine

"LEO GARDEN"  
ИНТЕНСИВ БОГИ  
ИМКОНИЯТЛАРИ 33

журналимизда видео





Birgalikda yetishtiramiz!  
Вырастим вместе!  
**We grow together!**



Май– Июн 2020 йил

3 -сон

**Журнал таъсисчиси:**

"Ifoda Agro Kimyo Niitooya"  
масъулияти чекланган жамияти

**Бош директор:**

Қодирбек Мирзамахмудов

**Бош мұхаррір:**

Muhammet Sedat Kolcuoglu

**Таҳрір ҳайъати:**

Бобур Миразизов  
Фазлiddин Ибрағимов  
Элёр Убайдуллаев  
Эрали Норбеков  
Сардорбек Хайдаров  
Дилафруз Шамсиқдинова

**Фотосуратчи:**

Абзал Аскarov

**Ташкиллаштирувчи масъул:**

Аброр Раҳмонкулов

**Саҳифаловчи дизайнер:**

Хамза Жумандурдиев

**Агрономлар:**

Алишер Маматвалиев  
Дилшод Жўраев  
Икром Жўраев  
Женгиз Ялчин  
Ахмет Сунар  
Хакан Накиш

**Маслаҳатчилар:**

Дониёрбек Муллабаев  
Дилафруз Шамсиқдинова

**Агроном консультант:**

Muhammet Sedat Kolcuoglu

**Манзил:**

Наманган шаҳар  
Оромгоҳ кўчаси 27  
+998 78 147-05-00  
info@ifoda.uz  
@ifodaagroconsulting  
www.ifoda.uz

05 Ш.Мирзиёев: "Қишлоқ хўжалигида манбаатдорликни оширмасак, самарадорликка эришиб бўлмайди"

08 "IFODA" билан ҳамкорликда юқори ҳосил ва сифатли пахта етиштираётганлар

10 Мехнати ортидан қадр топганлар

12 Наманганинг гуллари тобора чирой очиб бормоқда

12 Турк мутахассислари Қашқадарёда 9 минг гектар ерда пахта етиштирмоқда

15 Компания ютуғи фермерлар муввафқиятида

19 "IFODA" заводи – тарихи, бүгунни ва эртаси

22 Тўғри ўғитлашдан юксак даромад сари

27 Маҳсулотлар Халқаро стандартларга тўла мос келади

30 Маҳсулот сифати доим назоратда

32 "Leo Garden" интенсив боғи имкониятлари

36 Худудий менежерлар билан танишинг!

40 Уруғчиликда ўғитлашнинг аҳамияти

42 Заараркунандаларга қарши энг яхши биотехник восита

44 "Ўсимликлар вируси" ёхуд бактериал куйиш касаллиги

48 "IFODA" компаниясининг бош менежер, агроном ва жойлардаги савдо филиаллари рўйхати

# БИЗНИС РАСМИЙ САЙТ ВА ИЖТИМОЙ ТАРМОКЛАРДА КУЗАТИБ БОРИНГ!



www.ifoda.uz



@issiqxonafoda



ifoda.uz



@ifodapaxtagalla



@issiqxonafoda



@bogdorchilikfoda



@issiqxonafoda



@ifodaagroconsulting

## Диққат! Мўжизавий тасвир!

Энди сиз журналимиздаги баъзи суратларни жонлантиришингиз мумкин.

Бунинг учун сиз:

- 1) Мобил қурилмангизга "ifodamagic" иловасини юклаб оласиз ва ишга туширасиз.
- 2) Илова орқали телефон қамерасини фото суратга йўналтирасиз.



G<sub>1</sub> — — — — — Г<sub>2</sub> — — — — —  
ifodamagic иловасини  
юклаб олинг



Ўрнатинг ва  
ишга туширинг  
ifodamagic



G<sub>2</sub> — — — — —  
Мобил қурилмангиз камерасини  
фотосуратга йўналтиринг  
ва томоша қилинг



# Ассалому алайкум, қадрли дәхқон ва фермерлар!

Дунёда бўлаётган вазиятдан барчамизниг хабаримиз бор. Коронавирус ҳам бир инсоният бошига келган синов эканлигини яхши тушуниб турибмиз. Инсон саломатлиги нақадар азизлигини шу кунларда чуқурроқ англаёттгандекмиз гўё. Аммо ташвишга тушмаслик, ваҳимага берилмаслик керак. Бу балога қарши ҳуқуматимиз бошчилигида барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу ўринда айтишим керак, компаниямиз давлатимиз томонидан қабул қилинган барча қарорларни, тегишли қўрсатмаларни тўла қўллаб-кувватлади ва бундай фавқулотдаги ҳолатда доим ҳуқуматимиз ёнида эканлигини билдиради. Ҳозирги мурракаб вазиятда ягона чора ҳам шу аслида. Давлатимиз қўрсатмаларига амал қилишимиз ва бунга қатъий риоя этишимиз лозим. Бу нафақат бизнинг саломатлигимиз, балки, келажагимиз учун ҳам муҳимдир.

Мана шундай шароитда майдонга чиқкан шифокорларимиз, уларнинг кўрсатаётган жасоратлари таҳсинга лойик. Айрим ҳолларда биз қадрига етмаган бундай жонкуяр инсонлар ҳозир барчамизниг жонимизга оро киришмоқда. Уларнинг зиммасида жудаям масъулиятли вазифалар борлигини, бу вазифалар оғир ва машақатли эканлигини тушунамиз. Биз ҳам уларни олқишилаймиз ва жамоамиз номидан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Албатта шу қаторда сиз, азизлар — дәхқон ва фермерлар ҳам олқишимизга муносибизлар. Сиз кечани кеча, кундузни кундуз демай,

мамлакатимизнинг озиқ-овқат ҳавф-сизлигини таъминлашда, аҳолининг соғлом ҳаёт кечиришлари учун зарур маҳсулотларни етиштиришда жон койитмоқдасиз, тер тўкиб меҳнат қилмоқдасизлар. Ҳар куни тонгда яхши ниятлар билан кетмон кўтариб далага отланасиз, ҳалқимизнинг эртанги ризқи учун ўз ҳиссангизни қўшиб келмоқдасиз. Дастурхонимиздаги ноз неъматлар сизнинг иродангиз, сабрингиз ва пешона терингиз самараси, буни яхши биламиз. Айниқса бугунги эпидемиологик вазиятда ҳамма ўйда ўтиrsa, сиз ҳамон даладасиз. Бу ҳам бир жасорат, бу ҳам бир қаҳрамонлик, шундай эмасми?

Бироқ бундан ҳаволанмаслик, хотиржамликка берилмаслик керак. Аксинча бир-бirimизни қўллаган ҳолда бирлашишимиз, жипслашишимиш, янада қаттиқроқ меҳнат қилишимиз, меҳнат қилганда ҳам смарали ва сифатли меҳнат қилишимиз керак. Ахир бутун дунёда иқтисодий инқироз, озиқ-овқат етишмовчилиги ҳавф солиб турган бир пайтда, ҳалқимизнинг эртанги куни қайсиидир маънода сизларнинг, бизларнинг қўлимиизда. Шуни чуқур ҳис қилган ҳолда мева-сабзавотларни, боғдорчилик маҳсулотларини, буғдој ва бошқа экинларни экиш, уни парваришиш-лаш, сугориш ва ўғитлаш ишлари, қолаверса, касаллик ва зараркуннандаларга қарши курашиш ишларига жиддий қарашингиз, масъулият билан ёндошишингиз кераклигини сўраб қоламан. Бир нарса аниқки, дунёда коронавирус тарқалган ушбу вазиятда хоҳ у бой ёки камбағал бўлсин, ҳеч ким ҳашамат, мол-дунё ҳақида

ўйламайди. Улар соғлик, яшаб қолиш учун озиқ-овқат ҳақида ўйлайди. Бу сизнинг ўрнингиз мұхимлигидан дарак.

Шубҳасиз бу борада сизларга яқиндан қўмак беришга, доим қўллаб-кувватлашга тайёрмиз. Вилоятлардаги 50 нафар агроном доим хизматингизда. Шунингдек, сизларга янада қулайлик яратиш мақсадида туну кун ишлайдиган (78) 147 05 00 рақамли маслаҳат маркази ташкил этилган ва сизларнинг барча саволларингизга мутахассисларимиз батофсил жавоб беришга тайёр. Бундан ташқари телеграм ижтимоий тармоғи орқали агромаслаҳат (@ifodaagroconsulting) хизмати ҳам йўлга қўйилган бўлиб, ўсимликларни ҳимоя қилишдаги зарур қўрсатмалар, экинларингиздаги муаммолар ҳамда уларнинг ечими ҳақида маълумот олишининг мумкин. "IFODA" доим сизлар билан бирга.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча миришкорларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Сизларга сихат-саломатлик, хайрли ва баракали ишларингизда Аллоҳ мададкор бўлишини тилайман. Ҳосилингиз мўл, топганингиз барақали бўлсин. Беморларимиз шифо топсин. Ҳалқимиз тез орада коронавирус деган бу балодан буткул ҳалос бўлишига ишонаман.

**Хурмат билан**  
**Қодирбек Мирзамаҳмудов, "Ifoda Agro Kimyo Hitoysi" МЧЖ Бош direktori**

# ENTOJEAN

PDF Compressor Free Version

ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШНИ  
БОШҚАРУВЧИ ПРЕПАРАТ



Birgallikda yetishtiramiz  
Вырастим вместе!  
We grow together!

## Құлланиши:

Препарат ғұзағовлаб кетишининг олдини олади. Бунинг натижасыда ғүзәнинг пастки қисмидә асосий күсаклар пайдо бўлиб, улар эрта очилади ва юқори ҳосил олишга имконият яратилади.



78 147 05 00



@ifodaagroconsulting



[www.ifoda.uz](http://www.ifoda.uz)



PDF Compressor Free Version

# “ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА МАНФААТДОРЛИКНИ ОШИРМАСАК, САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИБ БҮЛМАЙДИ”

Ш. Мирзиёев

**Президент иштирокидаги видеоселекторда мева-сабзавотчилик кластерларини самарали ташкил қилиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 14 февраль куни мева-сабзавотчилик кластерларини самарали ташкил қилиш, пахтачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва фалла етишириш тизимидан босқичма-босқич воз кечиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёт ривожи, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири. Шу боисуни замон талаблари, стратегик ёндашувлар асосида тарақкий эттириш чоралари кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-

2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Олий Мажлисга Мурожаатномада барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги бўйича ҳам аниқ йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

2025 йилгача мамлакатимиз ялпиички маҳсулоти ҳажмини 100 миллиард доллар, йиллик экспортни 30 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Бу кўрсаткларга эришиш учун қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жуда катта резерв ва имкониятлар бор.

Мева-сабзавот экспортини тизимли ташкил қилиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи билан экспортёр ўртасида ўзаро муносабатларни тўғри йўлга кўйиш мақсадида мева-сабзавотчилик ва узумчиликда ҳам кластер тизими жорий қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 11 декабрдаги қарори билан бу борадаги барча ташкилий-хуқуқий асослар яратиб берилди», дейилади президент матбуот хизмати хабарида.

Видеоселектор йиғилишида мева-сабзавотчилик ва узумчилик кластерлари фаолиятини самарали ташкил қилишга қаратилган устувор вазифалар мухокама қилинди.

Аввало, тизимдаги шартномавий муносабатларни тўғри шакллантириш, маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи ва экспортчининг манфати, мажбурияти ҳамда жавобгарлигини аниқ белгилаш мухимлиги таъкидланди.

Кластерлар таклифлари асосида экспортбоп экинларни жойлаштириб, зарур үруғлик, кўчкат, минерал ўғит, ёқилғи масаласини ҳал қилиш ва уларнинг таъминотини тизимли йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

**Жойларда кластерлар фаолиятини самарали ташкил этишига вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринbosарлари шахсан масъул этиб белгиланди.**



**Марказий банк ва тижорат банклари раҳбарларининг ўринбосарларидан бири мева-сабзавотчилик кластерларини айланма маблағлар билан тъминлаш ва улар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришга масъул қилинди.**

«Ўзбекозиковқатхолдинг» компаниясига ташкил этилаётган ҳар бир кластер билан индивидуал ишлаб, экспорт шартномаларини чуқур таҳлил қилиш, айланма маблағлар ажратилишини ҳисобга олиб, қўшимча контрактлар тузишга кўмаклашиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда вилоятлар ҳокимлари мева-сабзавот кластерларини ташкил қилиш, бозорбоп маҳсулотлар етиштириш ва қайта ишлаш, экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтириш борасидаги режалари юзасидан ахборот берди.

Пахтачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, давлат эҳтиёжлари учун пахта ва фалла етиштириш тизимидан қадаммакадам воз кечиш масалалари ҳам йиғилишда батафсил муҳокама қилинган.

«Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ушбу маҳсулотларни бозор тамоиллари асосида харид қилиш тизи-

мига босқичма-босқич ўтиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Маълумки, бу борадаги биринчи қадам сифатида қолипли нон, ун, буғдой, чигит, пахта ёғи нархи эркинлаштирилган эди. Бунга пухта тайёргарлик кўрилгани натижасида нархларда кескин ўзгариш бўлмади.

Пахта ва фаллага давлат буюртмасини бекор қилиш масаласида ҳам Жаҳон банки эксперлари иштироқида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди», дейилади президент матбуот хизмати хабарида.

Йиғилишда кластерлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Адлия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ҳужалиги вазирлигига кластерларнинг ҳуқук ва мажбуриятларини белгилаб, уларнинг фаолиятини тартибга солиш юзасидан кўрсатма берилди.

Пахта етиштиришнинг амалдаги тизими фермерлар ва кластерлар ўртасида молиявий жиҳатдан кўплаб саволларни келтириб чиқармоқда. Бу бир тарафдан пахтани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга маблағ етишмаслигини

келтириб чиқарса, иккинчидан, пахта етиштирган фермер хўжаликлари билан ҳисоб-китоб қилиш имкониятини чеклаб қўймоқда.

Шу боис кластерлар молиялаштириш тизимини тacomиллаштириш, уларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни алоҳида фаолият тури сифатида кредитлаш тизимини жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилмаган жойларда пахта тозалаш заводлари негизида фермерлар кооперациялари йўлга қўйилиши белгиланди.

«Бу тажриба Туркияда ўзини оқлаган. Ушбу тизимнинг энг муҳим жиҳати – фермерлар нафақат пахта хомашёсини, балки уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни (тола, чигит, шрот, шелуха) сотишдан ҳам манфатдор бўлади.

Яна бир аҳамияти – пахта етиштиришда рақобат шаклланади. Кластерлар ва кооперативлар ўртасида рақобат бўлса, бундан фақатгина фермерлар, яъни ер эгалари бўлган дехқонлар манфаатдор бўлади.

Пахта ва фалла етиштиришда давлат буюртмаси бекор бўлса, илгаригидек режа ортидан қувиш барҳам топади. Эндиликда ҳокимлар халқ



“

“Кластерлар фаолиятини йўлга қўйишдан асосий мақсад — экспорт ҳажмини ошириш. Бунинг учун эса янги бозорларни топиш керак. Бозор бўлмаса, экспорт ҳам бўлмайди, кластер тизими ҳам юрмайди. Шунинг учун чет эллардаги табани мунтазам ўрганиб, имкониятлардан самарали фойдаланиш, экспортда изчилиликни таъминлаш керак”,— деди Шавкат Мирзиёев.

”

депутатлари кенгashi билан бирга экин ерларидан самарали фойдаланиш ва экин турларини тўғри жойлаштиришга масъул бўлади. Улар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш, ирригация тармоқларини таъмилаш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, ушбу мақсадларда ажратилаётган маблағлар ва субсидиялардан самарали фойдаланиш ишларини ташкил этади. Дехқонларга сервис хизматлари кўрсатиш, зараркунандаларга қарши қурашиш, пахта йифим-теримида механизация даражасини ошириш чораларини ҳам кўради», дейилади

«Бу йил қишлоқ хўжалигида катта ислоҳотларни бошлайпмиз. Ҳокимлар бу масалани чуқур тушуниб, ичига киришлари шарт. Энди орқага йўл йўқ. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини эркинлаштирумасак, манфатдорликни оширумасак, иқтисодий ўсиш ва самарадорликка эришиб бўлмайди», – деди президент

# “IFODA” БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЮҚОРИ ҲОСИЛ ВА СИФАТЛИ ПАХТА ЕТИШТИРАЁТГАНЛАР

PDF Compressor Free Version



Сурхондарё вилояти Узун туманидаги “Хўжамурод бобо набиралари” фермер хўжалигига қарашли 50 гектарли пахта майдони. Бу хўжалик Ифода компанияси билан З йилдан бери ҳамкорликда фаолият юритиб, ўтган йиллар мобайнида 40 центнерда юқори ҳосил олиб келмоқда. Бу йил ҳам фўза етиштиришда биргаликда ишлов олиб борилмоқда. Бу далага шу пайтга қадар ВЛ-77, UAN-32, POTEХ, IFO PZN, ЗЕРЕБРО АГРО, ENTOJEAN ва ANKA SUPER препаратлари қўлланилган. Ҳозирга келиб эса, далада фўза қандаласи фимирлаб қолиши мумкин. Бунга ENTOSPILAN кимёвий воситасини қўллаш кўзда тутилган. Хўжалик раҳбари бу мавсумда аввалги йиллардан кўра кўпроқ ҳосил олишни мўлжаллаб туриди.

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани “Беш Қаҳрамон” ҳудудига қарашли “Шоҳруҳ Фахриддинович” фермер хўжалиги пахта, фалла етиштиришга ихтисослаштирилган. Ташкил топганига эндиғина 6 йил тўлган бўлсада, ушбу хўжалик ҳар йили белгиланган режани ўз вақтида ва ортиғи билан бажариб келмоқда. Бу йил баҳор ойининг бироз инжиқ келиши, ёғингарчиликнинг кўп бўлганига қарамай фўзанинг ҳолати анча яхши. Сабабини эса фермер Ифода агрономи Гулсара опа билан баҳамжихат ишлагани, мутахассиснинг тавсия ва маслаҳатларига қулоқ тутганида деб билади. Қўлланилган стимуляторларнинг самарасини яққол сезганини яшириб ўтирумади хўжалик раҳбари.



Наманған вилояти Учқўрғон туманидаги “Ботиржон-Бобурбек” фермер хўжалиги ташкил топганидан буён Ифода компанияси билан ҳамкорлик қилиб келади. Бу мавсумда фалладан 100 центнерни мўлжал қилиб қўйган. Пахтадан ҳам кўзланган ҳосил чўғи кам эмас албатта. Бунинг учун тинимсиз ишлов ўтказилмоқда. Мана ҳозир ҳам турли заарқуннанда ва ҳашаротларга қарши феромон-тутқичлардан фойдаланишмоқда.

Ғуломжон БЕГМАТОВ, “Ботиржон-Бобурбек” фермер хўжалиги раҳбари:

“Айни пайтда бу феромон-тутқичлар фўзанинг асосий күшандалари, илдиз қурти ва кўсак қуртига қарши қўйилди. Ҳозирда мана кўришимиз мумкин, бу жуда яхши самара беряпти. Бошқа ишловларни ҳам сифатли олиб боришга ҳаракат қиляпмиз. Насиб қилса, бу йил ҳам белгиланган режани ортиғи билан бажариш ниятидаман”



Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароити бүхоролик миришкорларга ҳам қийинчилик түгдирмай қолмади. Бирок шунга қармай, омилкорлик, тадбиркорлик ва агротехник ишловларни түгри олиб бориш эвазига ғұза нишоналари анча яхши ривожланган. Ҳар холда вилоятнинг Жондор туманинаги "Нурисло Убайдулло" фермер хўжалигига қарашли пахта дааләридаги ғўзэларни кўргандаги хуносамиз шундай. Худуд агрономининг таъкидлашича, зарур бўлган кимёвий воситаларнинг ўз вақтида ва меъёрида берилиши натижасида ғұза ривожланиши яхши бўлган. Бундан кейинги ишловларни ҳам доимий назоратда олиб борилишига ишончимиз комил.

Навоий вилояти Қизилтепа туманинаги "Кенг Дунё" фермер хўжалигига қарашли дала майдонлари тажриба синов тариқасида йил бошидан Ифода компанияси маҳсулотларидан фойдаланиб келишмоқда. Мазкур ғұза майдонларини эрта баҳордан озиқлантириш, қасалликлардан ҳимоялашда самарали ишловларни амалга оширган. Натижада эса, ғұза бўйлари анча чўзилиб, илдизлари бақувват, танаси эса анча яхши ривожланган. Ҳозирда шоналаш даври бошланган. Бу хўжаликда синов ўзининг ижобий самарасини берса, бошқа фермер хўжаликларига ҳам янада кенгрөк Ифода маҳсулотларини қўллаш кўзда тутилган. Компаниянинг вилоят агрономи Азамат Собировнинг айтишича, бу даладан 50-60 центнергача пахта олиш мўлжалда бор.



Жizzах вилояти Пахтакор тумани "Пахтакор-Алномиш" фермер хўжалиги эрта баҳордан чигитни IFO SEED билан дорилаб эккан. Бу эса ўз навбатида ғўзанинг яхши униб чиқишига, турли қасалликларга чидамли бўлишига ва стресс ҳолатларга тушмаслигига ёрдам берган. Навбатдаги ишлов биринчи культивациядан сўнг UAN-32 препарати билан олиб борилган. Ғўзанинг ҳозирги ҳолати анча яхши, шоналар ҳам кўзга ташланана бошлади.

– Бундан кейинги ишловларни ҳам босқичма-босқич олиб борамиз, дейди – агроном Яхшибой Шодмонов. – Ҳозирча ҳашаротларга қарши кимёвий ишлов ўтказилгани йўқ. Агар бундай зараркунандалар, масалан, ўргимчаккана пайдо бўладиган бўлса бунга қарши ENTOSORAN препаратини қўллаймиз. Мободо ғўзанинг асосий күшандаси бўлган кўсак қурти пайдо бўлса, бунга қарши ENTOVANT PRO кимёвий воситаси билан ишлов ўтказамиз.

# МЕҲНАТИ ОРТИДАН ҚАДР ТОПГАНЛАР

PDF Compressor Free Version

Халқымиз орасида ажойиб бир нақл бор: "Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик". Ҳа, инсон бу дунёда ҳалол меҳнати, пешона тери билан қадр топади. Оиласи тинч, турмуши фаровон бўлади. Бухоро вилоятида ҳудди мана шундай на мунали бир инсон бор. Бу инсон ҳаётнинг паству баландидан ўтган, анча мунча аччик-чучугини туттаган, ҳалол меҳнати эвазига эл олдида обрў топган, маҳалладошлари орасида ҳурмат қозонган фермер. 40 йилдан ортиқ дехқончилик билан шуғуланиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида катта тажрибага эга бу инсон Муҳаммад Аҳмедов, "Маданият Муҳаммад Ислам" фермер хўжалиги раҳбари.

Чиндан ҳам Муҳаммад ака ерни жуда севади. Шунданми сира ҷарчоқ нималигини билмайди. Бир куни йўқки, далага чиқиб ишламаган, ҳосилини кўздан кечирмаган бўлса. Кўп йиллардан бери астойдил хизмат қилиб, ҳалқимизга ғалла, пахта етиштириб, эл дастурхонининг тўкин бўлишига ўз ҳиссасини кўшиб келмоқда. Албатта фермернинг бундай камтарона хизматлари

мукофотсиз қолгани йўқ. 2017 йилда президент Шавкат Мирзиёев томонидан "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" фахрий унвони билан тақдирланди. Ундан аввал эса, "Меҳнат шуҳрати" ордени ва "Шуҳрат" медали билан ҳам мукофотланган.

– Ҳаётий тажрибамдан шуни айтишим мумкинки, ҳалол меҳнат қилган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди, – дейди хўжалик раҳбари М. Аҳмедов. – Фермер хўжалигимизга қарашли 212 гектар ер бор. Шундан 85 гектарига ғалла, 112 гектарига эса пахта экканмиз. Қолган далаларимизда бошқа экинларни етиштирамиз. Ҳосилимиз шукр, ёмон эмас. Пахтадан ўртача 40-50, ғалладан 60-70 центнер олиб келяпмиз. Бу натижаларни янада ошириш ниятимиз бор.

Хўжалик раҳбари ҳосилни кўпайтириш мақсадида Ифода компанияси билан ҳамкорликни бошлаб юборган. Тўғрисини айтсак, Муҳаммад ака шу пайтгача Ифода маҳсулотларига ишонмаган. Агрономларнинг бир неча бор таклифига қарамай, ҳамкорлик қилишдан бош



тортган. Сабабини сўрасак, кўп йиллик тажрибага эга инсон ўзи синааб кўрмагунча бирор кишининг гапига ёки реклама ва беннерларга ишонмаслигини айтади.

– Токи ўзим синааб кўрмагунча, ҳар хил реклама ва одамларнинг гапига ишонмайман. Нима қилай, табиатим шунақа, – дейди фермер. – Ифода агрономлари мени ишонтириши қийин бўлган. Кейин "бир марта синааб кўрайчи, мендан нима кетти" дея синааб кўришга қарор қилдим. Буғдойга сал кечикиб бўлсада, 4 марта ишлов бердик. Албатта натижалар ёмон бўлмади. Хуносам шуки, Бухоро вилояти иқлими, тупроғи ва об-ҳаво шароитини инобатга олиб минерал ўғитлар билан биргаликда Ифода маҳсулотларини ишлатсан, сифатли ва юқори ҳосил олиш мумкин экан. Камида 10 центнер қўшимча ҳосил олса бўлади. Бу ҳам қўшимча даромад-да, тўғрими? Биз ҳали бу йил тўлиқ ишлай олмадик. Келаси йили экишдан то етиштиришгача "Ифода" билан ҳамкорлик қилишни мақсад қилдим. Ишонаманки, натижа биз кутгандан ҳам аъло бўлади.

"Маданият Муҳаммад Ислам" фермер хўжалиги кўп тармоқли бўлгани боис, дехқончиликдан ташқари асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик тармоқлари билан ҳам шуғулланиб келмоқда.

# AKARAGOLD

Сўрувчи ва кемиравчи ҳашаротларга қарши  
қўлланиладиган инсектоакарицид!

## Қўлланиши:

Биринчи таъсир этувчи моддаси пропаргит ғўзани зааркунандалардан үйғунлашган усуlda химоя қилиш дастурига киритилган, бир неча ўн йиллар давомида дунёning 60 дан ортиқ давлатларида 40 дан ортиқ экин турларида, каналарга қарши юқори самарали препарат сифатида эътироф этилган, боғларда ва дала экинларида каналарнинг барча ҳаракатчан фазалари (личинка, нимфа ва етук зот)га юқори самарали. Пропаргит препарати сувда яхши эрийди ва мавжуд пуркагичлар билан қўллаш жуда кулай, дала шароитида ўзининг юқори самарадорлигини исботлаган. Ўсимлиқхўр каналарнинг барча турларига кучли таъсир этади ҳамда гўза, боғлар, токзорлар ва бошқа экин турларида таъсир мўддати узок давом этади.



78 147 05 00  
@ifodaagroconsulting  
www.ifoda.uz

# НАМАНГАННИНГ ГУЛЛАРИ ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧИБ БОРМОҚДА

PDF Compressor Free Version



Наманган шаҳрининг марказий кўчалари ва хиёбонларидағи кўзни қувонтирадиган хушманзара гулларнинг бир-бидан чиройли бўлиб, гуркираб туришида ҳам Ифода компаниясининг ҳиссаси бор. Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси компания билан ҳамкорликда гулларнинг дуркун ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ўғитлар ҳамда кимёвий воситалардан фойдаланиб келишган. Шу боис бу каби кўркам ўсимликлар шаҳар кўркига кўрк, ҳуснига ҳусн қўшиб турган бўлса, ажабмас.

**Акмалжон Тоҷибоев, Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси “Ободонлаштириш ва кўқаламзорлаштириш ишлари бўйича” бошлиқ ўринбосари:**

– Шаҳримизда ҳар йили ободонлаштириш ва кўқаламзорлаштириш ишлари олиб борилади. Кўчаларни, боғ ва хиёбонларни чиройли қилиб турган гулларни янада ривожлантириш ва ўстириш учун агрокимё ўғитларидан фойдаланамиз. Бу йил Ифода билан ҳамкорлик қилиб кўрдик. Унинг маҳсулотларидан фойдаландик. Айтишим керак, фойдаси яққол кўзга ташланди

## ТУРК МУТАХАССИСЛАРИ ҚАШҚАДАРЁДА 9 МИНГ ГЕКТАР ЕРДА ПАХТА ЕТИШТИРМОҚДА



### Митҳат Демир:

Бу ерга келганимизга 6 йил бўлди. Ўзбек халқини жуда яхши кўрамиз. Урф-одатларимиз деярли бир хил. Давлатингиз бизнинг фаолият олиб боришимиш учун барча шароитларни яратиб берди. Бизга ишониб пахта етиштириш учун 9 минг гектар ер ажратди. Бу ерларга “Бухоро 102”, “Бухоро 108” навли пахта уруғини экканмиз. Албатта яхши ҳосил олишни мақсад қилганимиз. Бунинг учун Ифода компанияси билан фаол ҳамкорлик олиб бормоқдамиш.

Пахта етиштиришда бу ернинг иклими Туркияning баъзи жойлари, масалан, “Диёрбакир”, “Мардин” ва “Шанли Урфа” худуди об-ҳавосига ўхшаб кетади. Туркиядаги энг яхши пахта “Эгей” худудида етиштирилса, Ўзбекистонда эса, Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида мана шундай пахта етиштириш имконияти мавжуд.

Келгуси режаларимиз катта. Шу йил охирига қадар ёғ заводи қурмоқчимиз. Келаси йилда эса, ип-калава фабрикаси қуриш ниятимиз бор. Бунинг учун ер ва лойиҳамиш тайёр. Фақат қуриш ишларини бошлаш қолди, холос.

# SPIROMEKTIN

PDF Compressor Free Version

## Үсимлихүр каналарга қарши құлланиладиган самаради акарицид!

### Құлланиши:

Препарат таркибидаги Спиродиклофен текгандың таъсир этиш хусусиятига эга бўлган, янги кимёвий кетоенол синифига кирувчи препарат. Спиродиклофен үсимлихүр каналарнинг барча тухум, личинка ва етук имаголик стдияларида текгандың таъсир этади.

Иккинчи таъсир этувучи моддаси абамектин ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидаги ўргимчаккан, шира, трипс ва қўсак қуртларига қарши құлланиладиган авермектинлар гурӯхига мансуб, үсимликларга қисман сингиб кириш (системали) хусусиятига эга бўлган контакт ҳамда меъда-ичак орқали таъсир этувчи инсектоакарициддир. Унинг таъсир этувчи моддаси тупроқ микроорганизмларидан ажратиб олинган ва кимёвий таркиби, тузилишига кўра бошқа инсектоакарицидлардан тубдан фарқ қиласи. Үсимлик баргларига сингиб кира олиши сабабли баргнинг орқа қисмига жойлашган каналар ва ғовакловчи ҳашоротлар личинкаларига ҳам фаол таъсир кўрсатади.



Birgalikda yetishtiramiz!  
Вырастим вместе!  
We grow together!



78147 05 00



@ifodaagroconsulting



[www.ifoda.uz](http://www.ifoda.uz)



FOLLOW US

PDF Compressor Free Version



# КОМПАНИЯ ЮТУГИ ФЕРМЕРЛАР МУВАФФАҚИЯТИДА

Бұгунғи кунда Ифода компаниясы нафақат маҳсулот сифаты, балқи уни фермер ва дәхқонларга етказиб беріш, агрономик маслаҳаттар, препараттарни құллаш жараённанда күмаклашиш, әкінлар назорати, умуман, сотув ва сотувдан кейинги хизмат сифатини яхшилаш борасыда ҳам самарады әкінліктердің көзінде ортақ мәдениеттің өнеркәсібінде көрсетілді. Республикада 100 мингдан ортиқрек фермер хұжаликлиари бўлса, уларнинг 50 фоиз-дан кўпрогига мана шундай хизмат кўрсатиб келмоқдамиз. Хизматлар асосан, бир нечта босқичда амалга оширилади.



**Фазлииддин ИБРАГИМОВ,**  
"Ифода Агро Кимё Ҳимоя" МЧЖ директори ўринбосари

Дастлаб ҳудудлардаги филиалларимиз орқали фермерларни компаниямизда бўллаётган ўзгаришлар, янги маҳсулот, мавсумий хавф солиши мумкин бўлган касаллик ва зарар-кунандалар ҳамда бошқа муаммоли масалалар ҳақида огоҳлантириб турдиз. Шу билан бирга жойлардаги агрономларимиз доимий равишда далаларга чиқиб экин ҳолатини, үндаги кечеётган жараёнларни назорат қилиб туришади. Бунда мижозларимизни уларнинг ер майдони, узок йиллик ҳамкорлиги ва шунга ўхшаш бир қанча жиҳатларни инобатга олиб "А", "Б", "С" категорияларга ажратиб олганимиз. Шунга қараб агрономларимиз ҳам режа асосида хизматларини олиб боришади. Масалан, бир мавсумда ҳар битта агроном ўртача 100 нафар "А" категорияга кириувчи фермернинг даласига 10–15 кун оралатиб боради ва ўсимлик ҳолати, үндаги зараркунанда, касаллик ва бошқа муаммоларни аниқлайди. Агар муаммолар учраса, уларни бартараф этиш бўйича тегишли кўрсатма ва чораларни қўллашади.

Шунингдек, мижозларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш мақсадида

колмарказларини ташкил қилғанмиз. Бунда фермерлар мавжуд муаммо ёки бошқа масалалар билан мурожаат қилишса, мутахассисларга йўналтирган ҳолда саволларга жавоб берилади. Қолаверса, ижтимоий тармоқларда ҳам мана шундай хизматлар жорий этилган. Айниқса, телеграм тармоғида турли гурух ва каналлар орқали савол жавоб ва бошқа шаклларда оператив ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Умуман олганда, мижозлар билан ишлаш, савдо фаолияти ва ундан кейинги хизматлар тўғри ташкил этилган. Дарвоқе, мижозларимизга янада қўлайлик яратиш мақсадида агрономик хизматлар бир нечта йўналишларга, яъни, ғаллачилик, пахтачилик, боғдорчилик, мева-сабзавот, полиз экинлари ва иссикхона турларига бўлинган. Буларнинг ҳар бирига ўз соҳасини чуқур билимдони бўлган агрономларни алоҳида жалб этганимиз.

Айтиш керак, Республика бўйлаб 80 дан ортиқ савдо филиалларимиз фа-

олият кўрсатади. Уларнинг ҳар бирига малакали мутахассисларни танлов асосида, тажрибаси, билимига қараб жалб этганимиз. Сабаби улар мижозлар билан бевосита ишлаб, уларга тўғри агрономик маслаҳат берса олиши керак. Ўйлашимча, уларни фақат сотувчи эмас, сотувчи консультант десак тўғри бўлади. Шунингдек, фермерларга дала шароитидан келиб чиқиб аниқ маслаҳат ва тавсиялар берса оладиган агрономлар жамоаси шакллантирилган. Ҳозирда 50 га яқин агрономлар ҳудуд бўйлаб доимий фаолиятини олиб боришади. Ҳар бири транспорт воситаси билан таъминланган.

Албаттa ҳозирги шароитда замон билан ҳамнафас яшамаса бўлмайди. Бундан ташқари мана кўряпмиз, ҳар мавсумда янгидан янги турли касаллик ва зараркунандалар учраб турибди. Буларни аниқлайди олиш, уларга қарши самарады кураша олиш лозим. Шу мақсадда ҳар йили агрономларимизнинг малакасини ошириш учун ҳар хил ўқув курслари, се-



минар тренинглар ташкил этганимиз. Хорижга чиқиб тажриба оширишлари учун етарли шароитлар яратганимиз. Қолаверса, ўзаро тажриба алмашишлари учун чет элдан мутахассислар чақирганимиз. Булар албатта ўз самарасини беряпти.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу каби саъй-ҳаракатлар ўз навбатида даладаги ҳосилнинг ошиши, натижада эса фермерлар даромадининг кўпайишига олиб келмоқда. Мисол учун ўтган йилнинг ўзида фалла майдонларидан 40–50 центнер ҳосил олган фермернинг фалласини экишдан то фалла пишиб етилгунгача бўлган даврда ўз назоратимизга олиб, агротехник тадбирларни тўғри ва меъерида ташкил этгандик. Натижада эса, 80, 90 ва ҳатто 100 центнергача ҳосил олишга эришдик. Пахта ҳосилидан ҳам мақтагулик натижага — 60 центнергача ҳосил олдик. Бу албатта фермер учун қўшимча даромад дегани, шундай эмасми?

Гап даромадни ошириш бо-р асида кетар экан, аввало фермерларнинг соҳага оид мала-

каси, экинларда кўп учрайдиган касалликлар, заарарли ҳашоротлар ва шу каби билимларини ошириш керак. Қолаверса, уларнинг иқтисодий билимини кўтариш керак. Бу борада ҳам компаниямизда тизимли ишлар қилинмоқда. Мисол учун мавсум давомида миришкорлар учун турил се- минарлар, ўкув тренинглари ташкил этилган. Бундан ташқари синов тажриба асосида битта майдонни танлаб, у ерга мавсум давомида маҳсулотларимиз билан агротехник тадбирларни ўтказиб, үнинг самараси, ўсимлик ҳолати ва на- тижасини кузатиб бориш орқали бошқа фермерларга ҳам кўрса- тиляпти. Энг муҳими бунинг иқтисодий то- мондан ютуғи ту- шунтириляпти. Масалан аваллари 10 миллион

сўм давромад олган дехқон қўшимча 1 миллион инвестиция қилиш орқали ўз даромадларини 2 баробарга ошириш имконияти борлигини ҳам илмий ҳам амалий томонлама исботлаб бериляпти.

Бу каби маълумотларни фермерларга қулай ва тезкор бўлиши учун ижтимоий тармоқлар, интернет сайтиларимиз орқали видео лавҳа кўринишида бериб боряпмиз. Шунингдек, Ифода компаниясининг смартфонлар учун илова дастурларини ишлаб чиқканмиз. Мана шу иловаларда ҳам қишлоқ хўжалигига оид саволларга жавоб топиш мумкин. Охирги мана шундай иловалардан бири “IFODA MAGIC”, яъни ҳар бир маҳсулотнинг этикеткасида ўша маҳсулотнинг қўлланилиши ва бошқа маълумотларни видео лавҳа кўринишида кўриш имкониятини берувчи дастур ҳисобланади. Ҳозирча тажриба сифатида “Ифода” журналимизга жорий этдик. Насиб қилса, йил давомида буни амалиётга татбиқ этиш режамиз бор.



# ENTOSPILAN

PDF Compressor Free Version

Сўрувчи ва кемирувчи зааркундаларга  
қарши қўлланиладиган инсектицид!



## ☒ Қўлланиши:

Ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидаги шира, трипс, қўсак қурти, колорадо қўнғизи, тут парвонаси ва бошқа зааркундаларга қарши қўлланиладиган самарали инсектицид. Энтоспилан ўсимликларга сингиб кириш (системали) хусусиятига эга. Зааркундаларга контакт ҳамда меъда-ичак орқали таъсир этади



[www.ifoda.uz](http://www.ifoda.uz) • ☎ 78 147 05 00 • ☎ @ifodaagroconsulting

PDF Compressor Free Version

# "IFODA" ZAVODI



# “IFODA” ЗАВОДИ – ТАРИХИ, БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

**Санжар ХАКИМОВ**

“Ifoda Agro Kimyo Hitooya” МЧЖ директори үринбосари, завод директори.



Күплаб соҳалар сингари мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ҳам доимий ривожланиши ўйлидан бориб, бугунги кунда салмоқли ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг соҳага бўлган эътиборлари, тадбиркор, фермер ва дехқонларга яратилаётган шароитлар, имтиёз ҳамда имкониятлари, қолаверса, мазкур соҳани янада ривожлантириш борасидаги фармон ва қарорлари ўзининг амалий натижасини кўрсатмоқда.” Ifoda Agro Kimyo Hitooya “МЧЖ мана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, қишлоқ хўжалигига ҳисса қўшаётган йирик компаниялардан бури саналади. Бугун биз мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директори Санжар ака Ҳакимов билан заводнинг ташкил этилиши ва унинг фаолияти, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати, унинг агарар сектордаги ўрни ҳамда аҳамияти, келгисидаги лойиҳалар, умуман, мана шундай йирик компаниянинг тарихи, бугуни ва келажаги ҳақида сұхбат қўрдик.

**-Ассалому алаікум! Санжар ака, заводни ташкил этиш тарихи ҳақида қисқача гапириб беринг. Корхона қандай ишга тушурилди, бундан**

**мақсад нима эди, ўзи умуман заводни ташкил этиш гояси қаердан пайдо бўлди ва бошида иш нимадан бошланган?**

-Ва алайкум ассалом! Биласизми, заводнинг тарихи ўзига хос бўлган. Ишлаб чиқаришни йўлга кўйишдан олдин биз хорижий компаниялар, Франциянинг Дю Понт, Германиянинг Басф ва Байер фирмаларининг дистрибутори сифатида фолият бошлаганмиз. Ўша пайтда ҳам сифат биз учун муҳим бўлган. Аммо бу маҳсулотлар бироз қиммат бўлган. Кейинчалик эса, Хитой билан ҳамкорликни бошладик. Тўғри, бундан маълум ютуқларга эришдик, аввало тажриба орттиридик, дехқонларимиз ҳам фойда кўриши. Бироқ хоҳлаймизми йўқми, транспортировка масалалари бор. Бу маҳсулот таннархига бевосита таъсир кўрсатади. Энди биз сифат билан бир қаторда унинг ҳамёнбоплигига ҳам аҳамият беришимиз керак эди. Шунда ўз олдимизга ишлаб чиқаришни Ўзбекистонда ташкил этиш мақсадини қўйдик. Яна бир муҳим омил мавжуд. Қишлоқ хўжалигига прогнозлаштириш, яъни олдиндан башорат қилиш деган нарса бор. Куз ойида кейинги йилда қаерда касаллик тарқалади, қаерда зараркунандалар кўпайиш хавфи бор, шулар тўғрисида умумий маълумот йиғилади. Одатда бу башорат 70 фоизгача ўзини оқлайди. Шунга қараб биз хориждан олиб келинадиган кимёвий препарат ва ўғитларни билишимиз мумкин.

Аммо баъзи касалликлар бор, уларни башорат қилиб бўлмайди. Мисол учун галлада учрайдиган занг касаллиги. Бу касалликка шароит тўғри келиб қолса, 1-2 кун ичидаги катта майдонга тарқалиб кетиши мумкин. Албатта бу буғдорий сифатига таъсир этмасдан, ҳосилни

кеескин камайтирмасдан қўймайди. Буни айтиётганим сабаби шуки, хабарингиз бўлса, 2008 йилда фаллада занг касаллиги кенг тарқалиб, унга қарши курашувчи препарата бўлган эҳтиёж ошиб кетган эди. Ўшанда дори заҳираси ниҳоятда кам, етказиб беришда эса муаммолар юзага келган эди. Хитойга буюртма қўлсангиз бир ойда ишлаб чиқаради. Уни транспортировка билан яна бир ойча вақт ўтади. Шу билан бу дорининг кераги бўлмай қолади. Шунда биз ўйладикки, хоҳлаган пайтда, истаганча миқдорда ва энг муҳими тезкорлик билан мана шундай дори воситаларини етказиб беришга имкониятимиз бўлиши керак. Бу ҳам Ифода заводи ташкил топиши учун катта сабаб. 2016 йилда ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

**-Сифат масаласи қандай ҳал этилди? Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хорижникидек талобга жавоб бера олдими?**

-Сифат масаласи бизда доим биринчи ўринда бўлган. Ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулотга техник шартлар белгиланади. Бу керакли давлат ташкилотларидан алоҳида назоратдан ўтказилади. Шунингдек, бир йил давомида токсикологик, биологик ва экологик синовдан ўтказилади. Шундан сўнг давлат ҳимия комиссиясидан ижобий хулоса олинсагина кейин ишлаб чиқаришга руҳсатнома берилади. Бундан ташқари техник регламентга ҳам жавоб бериш керак. Биз буларнинг барчасидан ўтганмиз ва сертификатни қўлга киритганимиз. Қолаверса, маҳсулотимизнинг сифатига эътибор беришни биринчи навлатда унинг хомашёсидан бошлаймиз. Масалан, бирор бир препаратни олсак, унинг сифати таъсир этувчи моддасининг тозалик даражасига боғлиқ. Албатта четдан кириб келадиган хомашёларнинг сифати қай

даражада, буни текшириб кўрамиз. Шундан сўнг омборлик кўрсатиши. Хар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот партияси 2 марта текширувдан ўтказилади. Биринчиси завод лабораториясида техник шартлар асосида сифат кўздан кечирилади. Бунда бир нечта босқичлардан ўтади. Масалан ташки кўриниши, чўкмага тушиш

бир марта тиббий кўрикдан ўтказилишини иш куни. Хар куни кўшимча сифатида сут, қатик берилади. Ошхона ҳам бор. Заводда 6 та цехда ишлаб чиқариш йўлга кўйилган бўлиб, 7 хил линия мавжуд. Бу дегани 7 хил маҳсулот бир пайтнинг ўзида чиқади. Бир нарсани айтмасам бўлмайди, заводимизга

Энди ишлаб чиқариш қувватига келсак, дастлабки йилларда 300 тонна маҳсулот ишлаб чиқарар эдик. Давлатимиз раҳбари заводимизга ташриф буюрдилар ва зарур кўрсатмаларни бердилар. Шунга кўра, 2 йил мобайнида ишлаб чиқариш қувватини 4 минг тоннагача етказдик. Кўшимча равишда



тушмаслиги, моддалар миқдори ва ҳоказо. Иккинчиси эса давлат стандартларига жавоб бериши керак. Энг асосийси ҳар битта маҳсулот агрономларимиз орқали жойларда синаб кўрилади. Булар ижобий натижа берсагина ишлаб чиқаришга кўйилади. Бундан ташқари маҳсус илфор тажрибаларни ўрганувчи ва инновацион гоялар бўлими мавжуд. Бу ерда хорижий тилларни биладиган малакали кадрлар ишлайди. Аслида биз учун энг муҳим сифат кўрсатгичи деҳқоннинг ҳосилдан кўнгли тўлишидир.

**- Заводнинг ички фаолияти, ишлаб чиқариш қуввати ҳақида ҳам гапирсангиз...**

-Хозирги кунда заводда 102 нафар ходим ишляпти. Уларни бир йилда

Япония, Германия каби ривожланган давлатлардан келиб, биздаги шартшароит, ишлаб чиқариш жараёнини кўриб, очиги ҳайрон қолишиди. Сабаби чет элдаги кўпгина заводлар бир хил турдаги 5 хил ўғитга мослашган бўлади. Бизда унақа эмас. Мисол учун 10 хил инсцикцид ёки 10 хил фунгицид бўлиши мумкин, булар алоҳида линияда туради. Ўз навбатида буларни препартив формаси бор. Концентрат эмулсия, суспензия концентрат, порошок, гранула ёки шунга ўхшаш сувли эритмада бўлиши мумкин. Демак буни ҳам биз чиқара оламиз. Ҳудди шундай гербицид, глифасад, ўғитларники алоҳида. Уларда ҳам юқорида айтганимдек, турли ҳолатда чиқарилади. Заводда 100 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади.

таркибида микроэлементлар туладиган турли хилдаги ўғитларни ишлаб чиқаришни йўлга кўйдик. Бундан ташқари Оқтошда ҳам гранулалangan ўғитларни ишлаб чиқаришни жорий этмоқчимиз. Бу цех 100 минг тоннагача ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Чунки деҳқон хўжалигида азот, фосфор, калий, булар НПК ўғитлари деймиз, шунга талаб юқори. Буларни ҳосил этиштиришда жуда катта роли бор.

**- Ифода маҳсулотлари фақат ўзимизнинг маҳаллий бозорга чиқадими ёки экспорт ҳам қилинадими?**

- Навбатдаги қўядиган қадамимиз айнан шу бўлиб турибди. Хорижга чиқиш учун ҳар томонлама тайёрмиз. Шу йил қўшни давлатлар Тоҷикистон, Қирғизистон, Қозогистон

ва Туркманистан давлатлари билан ҳамкорлик шартномасын түздик. Ҳозирча Тоҷикистонга қисман сотдик. Қолаверса, Ифода маҳсулотларига туркиялиқ мутахассислар, эронлик ишбилармонлар ҳам қизиқиш билдиримоқда. Улар билан ҳам шартнома тузиш арафасида турибмиз. Биласизми, иш юзасидан кўплаб хорижий сафарларда бўла-

Уларга ўзимизнинг маҳаллий ёш химикларни биринчириб қўйдик. 2 йил ичидаги улар ипидан игнаси гача ўзлаштиришди. Ҳозир ҳам устоз шогирд анъана сига амал қилган ҳолда фолият олиб боряпмиз. Бизга яхши тарафи илмий масканлар Тошкент кимё технология институти, Тошкент давлат аграр университети, Наманган мұхандислик технология

ҳаракатдамиз. Қўл остимдагиларга ҳам доим буни уқтириб келганман.

Ҳабарингиз бор, бизда агрономик маслаҳатлар бор. Бу фақатгина препаратни етказиб бериб ундан фойда кўриш эмас, фермер ва дәхқонларга маҳсулотларимизнинг қўлланилиши, қайси пайтда, қанча миқдорда ишлатиш кераклиги, қишлоқ ҳўжалигига оид маслаҳатлар, хуласа биргаликда етиширамиз деган шиор остида иш олиб борамиз. Шунга ўхшаган яна бир хизматни йўлга қўймоқчимиз, яъни лабораторияда ҳудудлардаги шароитни анализ қилиш. Масалан, битта фермернинг тупроғини анализ қиласиз. Чунки ҳар хил ҳудудда тупроқ турлича бўлади ва биз шунга қараб маҳсулотларимизни тавсия қилишимиз керак. Шунингдек, қандай сув ишлатяпти, сувнинг қаттиқлик даражаси қанақа, унинг таркибидаги аммионлар, капионлар қанақа бу ҳам мұхим ҳисобланади. Бу нарсалар нима учун керак? Агар биз нотўғри сув ишлатадиган бўлсак, унда тайёрланган дорининг сифати 2 соатда бузилиши мумкин. Бу фақат бизда эмас, бутун дунёда тан олинган нарса. Яна бир масала, ҳар бир жойда биронта экинни етишираётганда унинг қайси өзимизни таъминлаштираётганда қилинади. Масалан гилос, шафтоли, ўрикни олиб қарасак, булар тупроқдан оладиган элементлари турлича бўлади. Биз буни макро элементлар бўйича назорат қила оламиз, лекин микро элементлар бўйича маҳсус лабораториялар маслаҳат бериши керак. Шунинг учун биз 50 га яқин турли ўғитларни тавсия қиляпмиз. Кимгадир мис элементи керак, кимгадир рӯҳ ва ҳоказо. Шуларни ҳисобга олиб биз тайёрлашни бошлияпмиз. Буни тавсия қилишимиз учун экайтган экинидан тортиб, тупроғи, сугораётган сувигача биз анализ қилиб таҳлил қилиб беришмиз керак. Бу хизматни ҳозирча дәхқонларга ёрдам сифатида йўлга қўйяпмиз, бироқ кейинчалик буни пуллик хизмат қиласиз. Юқори ва сифатли ҳосил олиш учун бу мұхим. Бундан ташқари эмульгаторлар ва эритувчи компонентларни маҳаллийлаштириш устида ҳам иш олиб боряпмиз.

**-Канчалик шароит бўлмасин, канчалик энг замонавий технологияларни келтирманг сифатли кадрларлар бўлмаса, барчаси бекор. Яъни, қайси дар маънода асосийсига улар ҳал қиласди, тўғрими? Айтингчи, кадрлар бўйича мұаммо кузатилмаётими?**

ман. Хусусан, Туркияга борганимда ўйладимки, уларнинг биздан ҳам ўрганадиган кўп нарсалари бор экан. Лекин барибир уларнинг ютуқларини ўзлаштишимиз керак.

**-Канчалик шароит бўлмасин, канчалик энг замонавий технологияларни келтирманг сифатли кадрларлар бўлмаса, барчаси бекор. Яъни, қайси дар маънода асосийсига улар ҳал қиласди, тўғрими? Айтингчи, кадрлар бўйича мұаммо кузатилмайдими?**

- Йўқ, бу борада мұаммо йўқ. Тўғри, заводни ишга туширганимиздан сўнг, уни ишга туширгунгача бўлган жараёндан кўра кейин кўпроқ меҳнат қиляпмиз. Негаки чўққига чиқиш эмас, у ерда туриш мушкулроқ. Шунинг учун тинимсиз изланишда, тўхтовсиз

**-Келгусида қандай лойиҳаларни амалга ошироқчисиз?**

-Очиғини айтсан, заводни ишга туширганимиздан сўнг, уни ишга туширгунгача бўлган жараёндан кўра кейин кўпроқ меҳнат қиляпмиз. Негаки чўққига чиқиш эмас, у ерда туриш мушкулроқ. Шунинг учун тинимсиз изланишда, тўхтовсиз



**Эрали НОРБЕКОВ  
сүхбатлашди**



Bırgalıkda yetiştiğimiz!  
Вырастим вместе!  
We grow together!

# ТҮГРИ ҮГИТЛАШДАН ЮКСАК ДАРОМАД САРИ

**"ИФОДА" үгит ишлаб чиқариш за-  
води ҳақида қисқача маълумот бера  
оласизми? Ишлаб чиқариш қуввати  
қандай?**

"ИФОДА" үгит ишлаб чиқариш за-  
води қурилиш ишлари 2018 йилда  
бошланган. 2019 йилда қуриб бит-  
казилган заводимиз тўлиқ қувват  
 билан 3 сменада ишлаган тақдирда  
 қўйидаги миқдорда ишлаб чиқариш  
 ҳажмига эга:

- ойига 1.950.000 литр ва ўилига  
 22.500 тонна суюқ үгит ишлаб  
 чиқариш;
- ойига 2.340. 000 килограмм ва ўи-  
 лига 27.000 тонна (NPK) НПК туз  
 томчилатиб сугориш үгити ишлаб  
 чиқариш;
- ойига 5.200.000 килограмм ва ўи-  
 лига 62.400 тонна (NPK) НПК гра-  
 нула үгити ишлаб чиқариш.

**Қайси турдаги үгит ишлаб  
чиқарасиз?**

Үгитлар ишлаб чиқариш шаклига  
 кўра 5 тоифага бўлинади: кимёвий  
 үгитлар, органик үгитлар, органо-  
 минерал үгитлар, янги авлод назо-  
 рат остида бериладиган үгитлар  
 ва ақлли үгитлар. Келажакдаги  
 мақсадимиз микробиал үгитлар иш-  
 лаб чиқаришдир.

Кимёвий үгит- ер ости ва усти  
 үгитлари, томчилатиб берилади-  
 ган үгитлар, назорат остида бериладиган үгитлар ва суюқ үгитлар шаклида бўлади.

Бу үгитлар кимёвий усулда ишлаб  
 чиқарилган азот (карбамид, нитрат,  
 аммоний ва бошқалар), фосфор, ка-  
 лий (калий хло-  
 рид, калий нитрат), магни-  
 ий, калций ва бошқа аралаш-  
 малар ишла-  
 тилади. Янги  
 авлод назо-  
 рат остида  
 бериладиган  
 үгитлар ер  
 ости ва усти  
 үгитлари  
 кўринишида  
 бўлади. Янги  
 авлод назо-  
 рат остида  
 бериладиган  
 үгитларни  
 ишлаб чиқаришда

Органик үгит-ер ости үгитлари,  
 томчилатиб бериладиган үгитлар  
 ва суюқ үгитлар шаклида бўлади.  
 Органик үгит ишлаб чиқаришда хом  
 ашё сифатида ҳайвон чиқиндилари  
(чорва гўнги, товук гўнги ва  
 бошқалар), барча турдаги ўсимлик  
 чиқиндилари, майший чиқиндилар,  
 канализация лойи (майший тозалаш  
 заводларининг чиқиндилари), табиий  
 минераллар (леонардит, сепиолит,  
 зеолит, фосфат ва бошқалар) иш-  
 латилади.

Органоминерал үгит- ер ости ва  
 усти үгитлари, томчилатиб бериладиган үгитлар, назорат остида бериладиган үгитлар ва суюқ үгитлар шаклида бўлади. Органик үгит ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё органо-минерал үгит ишлаб чиқаришда ҳам қўлланилади. Бундан ташқари, кимёвий усулда ишлаб чиқарилган азот (карбамид, нитрат, аммоний), фосфор, калий (калий хлорид, калий нитрат), магниий, калций ва бошқа аралашмалар ишлатилади. Янги авлод назорат остида бериладиган үгитлар ер ости ва усти үгитлари кўринишида бўлади. Янги авлод назорат остида бериладиган үгитларни ишлаб чиқаришда

и ш л а т и л а д и г а н х о м а ш ё  
 қуийдагича:

- Композит үгитлар + DCDA (Dicyandiamide)-DMPP-NBPT билан қопланади;
- Азотли үгитлар + DCDA, NBPT;
- Органоминерал үгитлар + DCDA(Dicyandiamide)-DMPP-NBPT ва олтингуругрт билан қопланади. Ушбу үгитлар учун 53 турдаги лицензияларимиз мавжуд. 9 органик үгит, 24 кимёвий үгит, 9 кимёвий элементли үгит, 2 органоминерал үгит, 4 янги авлод ақлли үгит ва 4 маҳсус маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Бу үгит ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш қишлоқхўжалиги-даги мавсумларга мувофиқ амалга оширилади.



**PDF Compressor Free Version**



## Фермер ва дехқонларнинг йўғитга бўлган эҳтиёжини қандай аниқлайсиз?

Соҳадаги қишлоқ хўжалиги мутахассисларнинг тақлифларига биноан янги маҳсулотлар ишлаб чиқилмоқда. Баъзан фермер ва дехқонларнинг талаблари асосида маҳсус рецептларга мувофиқ маҳсус маҳсулотлар тайёрлаймиз. Фермер ва дехқонларнинг ўғитга бўлган эҳтиёжига асосан соҳадаги агроном ва мутахассислар бевосита жавоб беради.

## Илмий-тадқиқот ишлари ҳақида маълумот бера оласизми? Ушбу масалада ҳалқаро миқёсда ҳамкорлик қилипсизми?

Келиб тушган талаблар асосида лабораторияда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. 2021 йилда янги авлод ўғитлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борамиз.

Туркиядаги Эгей Университети, Коня Селчук Университети ва баъзи турк компаниялари билан ҳамкорлик қилияпмиз.

## ИФОДА АГРО КИМЁ ҲИМОЯнинг келажакдаги ўғит лойиҳалари ҳақида маълумот бера оласизми?

2020 йилда Акташ Гранула заводини ишга тушириш ва янги авлод ўғитларини ишлаб чиқаришни режалаштирганимиз. Шунингдек, 2021 йилда микробиоал ўғитлар устидага иш олиб борамиз. Бозорнинг янги тенденцияларини кузатиб, соҳада пайдо бўлган маҳсулот гурухларини ишлаб чиқариш режамизга қўшишни мақсад қилганимиз.

## “ИФОДА” журнали ўқувчиларига тилакларингиз.

“ИФОДА” нафақат Ўзбекистонга, балки бутун Ўрта Осиё минтақасининг қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсата оладиган да-

ражада юксак салоҳиятга эга компаниядир.

АҚШ, Канада, Испания, Италия, Голландия, Германия ва Ироил каби давлатлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда илгор давлатлар ҳисобланади. “ИФОДА” бу давлатларда ишлаб чиқарилаётган кўплаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш салоҳиятига эгадир, шунингдек, бу давлатларнинг маҳсулотидан юқорироқ сифатдаги маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

“ИФОДА” ишлаб чиқарган маҳсулотлари орқали фермер ва дехқонларнинг муаммоларни ҳал қилиш ҳамда юқори даромадли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришлари учун доим фермер ва дехқонлар билан биргадир.



## Мөхмәтбей ким? Ўзингизни таниширасизми?


**“Мен 1966 йилда Туркиянинг Татван шаҳрида түгилганман. Ана долу университети давлат бошқаруви факультетини 4-курсда тарк этдим. 1984-1992 йилларда оиласиб бизнесда ферма менежери ва бошқарувчи бўлиб ишладим. Кейинчалик Ҳумий кислотаси бўйича профессор Спартак АЛИЕВга ассистентлик ва ишлаб чиқариш мудири лавозимида фаолият олиб бордим. 1998-2018 йилларда турли компанияларда ишлаб чиқариш менежери, бош менежер, ўғит бўйича маслаҳатчи бўлиб ишладим. 2018 йилдан бери Ўзбекистонда “ИФОДА” компаниясида ўғит ишлаб чиқариш бўлими мудири лавозимида ишламоқдаман.**



IFODA<sup>®</sup>  
agro kimya himoya

Birgalikda yetishtiramiz!  
Вырастим вместе!  
We grow together!

PDF Compressor Free Version



# IFO UAN 32

СҮЮҚ АЗОТ ЎҒИТИ



## Құлланилиши:

IFO UAN 32 үғити таркибида 3 түрли азот бўлиб, экинларнинг мувозанатли ва эҳтиёжи бўлган азот турини дарҳол ўзлаштиришини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқарилган үғитдир.



📞 78 147 05 00  
✉️ @ifodaagroconsulting  
🌐 www.ifoda.uz



PDF Compressor Free Version

# МАҲСУЛОТЛАР ҲАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ТҮЛА МОС КЕЛАДИ

**"Ifoda Agro Kimyo Nimoyna" МЧЖ препаратлари/пестицидлар ишлаб чиқариш заводи ҳақида қисқача маълумот бера оласизми?**

"Ифода" ишлаб чиқариш заводи тўлиқ ички капитал ҳисобига ташкил этилган. Завод замонавий талаблар ва жаҳон стандартларига мос равишда умумий майдони 60.000 м<sup>2</sup> бўлган худудда барпо этилган. Бу худуднинг 25000 м<sup>2</sup> и ёпиқ ҳудуд ҳисобланиб, унинг таркибига ишлаб чиқариш иншоотлари, омборлар, маъмурӣ ва ижтимоий бинолар, сифат лабораторияси ва илмий-тадқиқот лабораторияси киради.

**Қандай агрокимё препаратлари/пестицидлар ишлаб чиқарилади? Ишлаб чиқариш қуввати қандай?**

Ишлаб чиқариш корхонамиз мавжуд сифат нормаларига мувофиқ, FAO (Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти) стандартларига мос келади. WP, SC, DS, DP, EC, DP, GR, EO, SL, TB, WGD, DF ва бошқа формулаарда:

**Инсектицид**

**Гербицит**

**Фунгицид**

**Акарицид**

**Ўсимликлар ўсишини тартиба со-  
лувчи воситалар**

**Нематоцид**

**Моллюскоцид**

**Дефолиантлар**

Родентицидлар ва Фумигант гуруҳларида ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш қувватимиз йилига 30 минг тоннадир.

**3. Фермер ва дехқонларнинг агрокимё препаратлари/пестицидларга бўлган эҳтиёжини қандай аниқлайсиз?**

Ўзбекистоннинг экологик тузилиши ва ўсимлик дунёсига мос препаратлар рўйхатимиз мавжуд. Бутун мам-

яратмоқдалар. Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан рақобатлашиш, импорт ўрнини босувчи технологияларни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш, ривожланган давлатларга қарам бўлмаслик учун илмий-тадқиқот ишларини амалга ош-



лакат бўйлаб маҳсулот тарқатиш ва сотиш тармоғига эга компаниядизнинг 95та савдо оғислари мавжуд. Соҳада профессионал равишда ишлайдиган 41 агроном орқали бозорни кузатиб, фермер ва дехқонларимизнинг эҳтиёжларини аниқлаймиз. Бундан ташқари, сотишдан кейинги дала текширувлари фермер ва дехқонларимизга маъқул шароитларда ишончли шаклда маҳсулот етиштиришини таъминлади.

**Илмий-тадқиқот ишлари ҳақида маълумот бера оласизми? Ушбу ма-  
салада ҳалқаро миқёсда ҳамкорлик қиляпсизми?**

Мамлакатлар илм-фанда эришган ютуклари, ишлаб чиқараётган технология ва инновациялар бўйича дунёда рақобат мұхити

ириши керак. Шу мақсадда "Ифода" инсон саломатлиги ва атроф-муҳит тозалигини назарда тутиб, лаборатория ва соҳада илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Ишлаб чиқарган препаратларимизнинг касаллик ва зарарли патогенларга таъсирини тадқиқотлар орқали синаб кўрамиз ва уларнинг самарадорлигини ўлчаймиз. Туркия ва баъзи Европа фирмаларининг илмий-тадқиқот жамоаси билан янги авлод агрокимё препаратлари/пестицидлар устида иш олиб бормоқдамиз

**"Ifoda Agro Kimyo Nimoyna" МЧЖ нинг келажакдаги лойиҳалари ҳақида маълумот бера оласизми?**

Ўзбекистон бозоридан ташқари, Тоҷикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Озарбайжонга

PDF Compressor Free Version



ҳам маҳсулот экспорт қилмоқдамиз. Келажакда бу давлатларнинг ўсимлик дунёсига мос равишда лицензиялаш ишларини давом эттириб, экспорт бўйича ётак чи компаниялардан бирига айланишни мақсад қиласиз. Янги авлод табиат ва экологик тоза муҳит бўйича лойиҳалар олиб борилмоқда.

**"Ифода" журнали ўқувчиларига фикр-мулоҳазаларингиз.**

ИФОДА АГРО КИМЁ ҲИМОЯ оиласи ўзбекистонлик фермер ва дехконларнинг сифатли, ишончли ва тежамкор маҳсулотлардан фойдаланиб, келажак авлод учун тоза атроф-муҳит яратиш, ресурслардан унумли фойдаланиш, чиқиндиларни камайтириш ҳамда инсон саломатлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида фаолият олиб бормоқда. Хурматли "ИФОДА" журнали ўқувчилари биз билан биргаликда келажак авлод учун янада гўзал Ўзбекистонни қолдиришларини умид қиласиз.

**Борабей, ўзингиз ҳақингизда маълумот берсангиз.**

**Азиз ўқувчилар, мен Бора Каҳя**  
1985 йилда туғилганман. Туркияда  
10 йилдан ортиқ агрокимё соҳасида  
ишлаб чиқариш менежери сифатида  
фаолият олиб бордим. Сўнгги икки  
йил давомида мен "Ifoda Agro Kimyo  
Himoya" МЧЖ компаниясининг Ўзбекистондаги агрокимё бўлимидаги ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқотлар бўйича мудир лавозимида ишлаб келмоқдаман.

PDF Compressor Free Version



# ENTOVANT Pro

Күсак құрти ва бошқа  
кеми्रувчи  
зааркунандаларга  
қарши құлланиладиган  
инсектицид!



## Құлланиши:

Қишлоқ хұжалиги әқинларидағи ғүза түнлами (күсак құрти), тут парвонаси, шингил баргүрари ва олма мевахүрига қарши самарали инсектицид.

Бир вақтнинг үзіда зааркунанда капалакларининг тухумлари ва үларнинг құртлари билан бир хил курашади.

📞 78 147 05 00

✉️ @ifodaagroconsulting

🌐 [www.ifoda.uz](http://www.ifoda.uz)



# МАҲСУЛОТ СИФАТИ ДОИМ НАЗОРАТДА

PDF Compressor Free Version



"Ifoda Agro Kimyo Ni'moya" МЧЖ компаниясида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати доимий назорат қилиб борилади. Бунинг учун корхонада маҳсус лаборатория ташкил этилган. Аввалари илмий-амалий таҳлиллар кичик бир хонада ўтказилар эди. 2019 йил июнь оидан лаборатория учун янги бино қуриб ишга туширилди ва қарийб 1 миллион АҚШ долларлик замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Ушбу техника ва технологиялар АҚШ, Германия, Швецария, Швеция, Италия, Япония ва Ҳиндистон каби дунёнинг энг ривожланган давлатларидаги "Agilent Technologies", "Malvern", "Buchi", "Merck" ҳамда "Shimadzu" каби дунёга машҳур компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган. Бу қурилмаларнинг устунлик томони шундаки, юқори аниқликли инструментал экспресс (тез) методлар учун мўлжалланган бўлиб, амалга ошириладиган таҳлил натижаларини бир неча дақиқаларда олиш мумкин.

Аввалимбор айтишимиз керак, мазкур лабораторияни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад корхонамизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатини таъ-

минлаш. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг хом-ашё моддаларидан тортиб то тайёр маҳсулотга келгунича сифат назорати амалга оширилади ва белгиланган норматив ҳужжатларга мослиги текширилади. Шунингдек, бу ерда доимий янги турдаги маҳсулотлар устида синов ишлари олиб борилади. Мавжуд маҳсулотлар яна ҳам мукаммаллаш-тириб борилади. Бундан ташқари лабораториямизда кластер, фермер ва дехқон ҳўжаликларига тегишли экин майдонларининг тупрок ва япроқ анализларини амалга ошириш ва уларга агрономик тавсиялар беришда кўмаклашиш ва бошқа хизматлар йўлга қўйилган.

Ўтказиладиган таҳлиллар, асосан, 2 йўналишда, яъни, пестицидлар ва минерал ўғитларнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган текширувлар олиб борилади. Бунда корхонамизда ишлаб чиқариладиган пестицид ва минерал ўғитларнинг хом ашёси, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичи амалга оширилади. Мисол учун пестицид ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган энг асосий модда ҳисобланган таъ-

сири этувчи моддалар (действующее вещество) нинг таркибий фоиз миқдорини аниқлаш, бунда айтайлик, таъсир этувчи модда Циперметрин ёки Индоқсакарбнинг фоиз миқдори 99.0% дан кам бўлмаслиги керак бўлса, таҳлиллар орқали унинг шу талабларга мос эканлигига ишонч ҳосил қилинганидан сўнггина ишлаб чиқаришга рухсат берилади. Бу жараёнда албатта ҳар бир модданинг ўзига тегишли бўлган стандарт этaloniga хроматография усулида чўққи юзаларнинг устма-уст мос тушиши орқали ишонч ҳосил қилинади. Қолаверса, ҳар бир тайёр маҳсулотнинг партияси норматив ҳужжатлардаги стандартларга (Тш, Тс, ТУ, ГОСТ.) мослигини текшириб, ишонч ҳосил қилиш учун қатор таҳлиллар амалга оширилади ва шундан сўнггина реализация қилишга рухсат берилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, лабораториямиз негизида илмий изланиш ва ривожланиш (Research & Development) бўлими ташкил этилган бўлиб, бу ерда хорижий тилларни чуқур ўзлаштирган, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлган кўп йиллик тажрибага эга малакали кадрлар

фаолият юритишиади. Улар доимий равишда хорижий тажрибаларни ўрганади. Янги илфор технологиялар ва янги турдаги маҳсулотлар устида иш олиб боришишди. Бунинг учун алоҳида тизим ташкил этилган. Масалан, кимдир илмий ишлар билан, кимдир лаборатория синовлари ва яна кимдир эса дала синовлари билан шуғулланишиади. Айни пайтларда бу ерда З турдаги янги маҳсулот устида иш олиб боришишмоқда. Тез орада бу маҳсулотлар илмий ва амалий синовлардан самарали ўтса, ишлаб чиқаришни бошлаймиз.

Келгусидаги режаларимиз хақида айтадиган бўлсак, нафақат Ўзбекистон ҳудудида, балки, хорижий давлатлар учун ҳам лаборатория синовларини таклиф этиш имкониятига эга бўлмоқчимиз. Албатта бу осонликча бўлмайди. Бундан ташқари фермер ва дехқонларга хизмат кўрсатадиган замонавий мобил лабораторияларни ташкил этмоқчимиз. Бу нима учун керак? Ҳозирда мамлакатимиз ҳудудида тупроқ анализларини жойида туриб аниқлайдиган замонавий лабораториялар мавжуд эмас. Ташкил этиладиган мобил лабораториялар мана шундай вилоятлар, туманларга бориб ўша ернинг ўзида тупроқни, сугориладиган сувни ёки япроқ анализларини тезда ўтказиб берилади. Бу эса ўша жойнинг ўзида натижаларни билишга ва керакли агрономик тавсияларни беришга имконият яратади. Мисол учун, қайсиdir экин майдонида калий ёки азот ва бошқа микроэлементлар етишмаслиги мобил лаборатория натижалари орқали аниқланса, ўша экин майдони учун агрономлар етишмаган минералларни ҳисобга олган ҳолда керакли озукавий ўғитлар ва бошқа кимёвий препаратларни тавсия этишлари мумкин бўлади.

Умуман олганда, олдимиизда турган ишлар кўп, режалар катта. Албатта буларни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Биринчи навбатда ходимларимизнинг малакасини оширишимиз керак. Бу борада ҳам етарлича ишлар амалга оширилмоқда.

**Жаҳонгир ЎЛЖАБАЕВ,  
Лаборатория бошлиги**



PDF Compressor Free Version



# "LEO GARDEN" ИНТЕНСИВ БОГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

**X**алқимизнинг ризқу рўзи, насибаси, аввало, заҳматкаш дехқон ва миришкорларимиз, боғбонларимиз етиширидиган маҳсулотлар, озиқовқат ҳамда нозу неъматлар билан ўлчанади. Шу боис эл орасида "уругинг билан эмас, ҳосилинг билан мақтан" деган нақл бежиз пайдо бўлмаган. Яъни, ниҳол сифатли бўлгани билан унга доимий эътибор бўлмаса, меҳр бериб парваришланмаса, меҳнат қилинмаса, ҳосилдан умид қилиш, мажозий қилиб айтганда, оғизга шира тушиши қийин.

Тошкент вилояти Қиброй туманидаги "Leo Garden" МЧЖ кўп йиллардан бери аҳолига бир-биридан мазали ва сифатли мевалар, хусусан, олма, гилос, нок каби ширин маҳсулотлар етишириб келади. 50 гектарли ушбу интенсив боғ 2015 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан, 6 хил турдаги олма навлари экилган. Дастлаб кўчатлар маҳаллий кўчат етиштирув-

чилардан олиб экилган бўлса, кейинчалик боғни янада ривожлантириш мақсадида Испания, Туркия, Франция мамлакатларидан серхосил, иқлим шароитимизга мос келадиган ниҳоллар келтирилган.

- Боғимизда 118 минг туп кўчат бор, уларнинг аксарияти олма,— дейди "Leo Garden" МЧЖ агрономи Бадриддин Исомиддинов.— Боғнинг бу даражага келиши албатта, осон кечмади. Тинимсиз меҳнат, ҳаракат қилдик. Дараҳт ҳам ёш боладек гапда, унга меҳр, эътибор бериш, асрраб-авайлаш керак. Энг муҳими зарур чораларни ўз вақтида қўллаш лозим. Олма ширали мева бўлганлиги учун унинг кушандалари ҳам кўп бўлади. Улардан энг асосийси ва бизнинг шароитда кўп учрайдигани бу олма қурти. Одатда олма қурти мавсум давомида 3 марта чиқади. Ўша пайтларда унга қарши керакли дорини сепиш зарур. Шунингдек, парша касаллиги ҳам яхшигина зиён келти-

ради. Паршада олма қўтири босади, сифати пасаяди, натижада эса унинг ҳаридорбоплиги йўқолади. Буларга қарши вақтида курашилмаса, 100 фоизгача ҳосилга зиён етказиши мумкин. Бизда эса мана шу зарар-кунандаларни аниқловчи маҳсус метиостансиямиз бор. Шу орқали ҳам буларга қарши самарали курашиб кеялпмиз. Масалан, парша бизда 3 йил олдин бор эди. Ҳозир эса йўқ.

Шу ўринда таъкидлаш керак, боғ тўла қувватда томчилатиб сугориш тизими билан таъминланган. Бунинг қулайликлари талайгина, албатта. Биринчидан, экин учун сарфланадиган сув миқдорини 4–5 баробарга, ўсимликка бериладиган маҳаллий ва минерал ўғитларни 2–3 баробарга тежайди. Иккинчидан, дараҳт учун зарур озука шу орқали берилгани туфайли ҳам меҳнат сарфи камаяди ва ўғит илдизгача етиб боради. Учинчидан, ариқлатиб сугоргандек ернинг захлашига ва захининг кетишини

**PDF Compressor Free Version**



кутиб ўтиришга ҳожат қолмайды. Шунингдек, богда 20 нафар ишчи доимий фаолият юритади. Мавсумий, яъни, ҳосил йигим теримидағи ишчилар сони эса 100 нафаргача етади. Бундан ташқары агротехникани амалга ошириш учун мини тракторлар мавжуд. Улар ёрдамида

- Ифода компанияси билан яқиндан ҳамкорлигимиз мана шундай ишларда, агротехник табдирларда жуда қүл келмоқда,— деде мамнуният билан сўзини давом эттириди Бадриддин ака.— Доимий равишда унинг агрономлари келиб, боғимизни кўриб, дараҳт ҳолатини аниқлашади, ке-

бўлиши, касалликларга тез-тез ча-линиши ёки ҳосилнинг кам бўлишига сабаб турли моддалар, темир, рух, молибден, мис ва калцийларнинг етишмаслигидандир. Ифода тавсия қилаётган маҳсулотларида ушбу моддалар етарлича мавжуд.

Битта дараҳтни кўқартириш, уни фарзандек авайлаб ҳосилга солишининг ўзи бўлмайди. Буни яхши англаган боғбон ҳамкорликка кўпроқ ургу бериши тайин. Мазкур боддаги дараҳтларни парвариш этишда Франсия тажрибаси ҳам қўлланилар экан. 50 йиллик тажрибага эга коснультант агрономлар ҳар йили 4 марта келиб, агротехник табдирларда ўз маслаҳатларини бериб кетишар экан.

- Биласизми, боғ атрофи бўйлаб манзарали дараҳтлар экиб чиққанмиз. Бунинг сабаби агротуризмни ҳам ривожлантириш ниятимиз бор,— дейди боғ агрономи.— Мисол учун ўтган йили бир нечта хорижий мамлакатлар, Эфиопия, Япония, Хитой ва Малайзиядан туристлар келишди. Боғимизни кўздан кечиришди, унга қизиқиш билдиришди, айниқса, малайзияликлар учун бу жуда қизиқарли бўлди. Негаки биздаги айрим мевалар уларда етиштирилмас экан. Тўғрисини айтсан, биз сонга эмас, сифатга кўпроқ ишлаймиз. Шунинг учун бўлса ке-



ўғитларни сепиш, дараҳт орасидаги ўтларни ўриш, ерни ҳайдаш, кеси-лган шохларни йигиб олиш каби ишлар амалга оширилади. Қолаверса, ҳосил йигим-теримида ҳам техни-кадан фойдаланилади.

ракли маслаҳатларини беришади. Қайси вақтда, қандай озиқлантириш керак, қайси зарааркунандага қарши қандай препаратларни қўллаш ке- рак ва ҳоказо. Албатта бундан ҳурсандмиз. Дараҳтнинг нимжон

PDF Compressor Free Version



рак, маҳсулотларимиз ўзимизнинг маҳаллий бозорларимиздан ортмайди. Яхши билсангиз керак, олма дарахти бир йил яхши ҳосил берса, кейинги йил кам ёки умуман бермаслиги мумкин. Бизда эса унақамас. Чунки биз кимёвий сийраклатиб турамиз. Буни кўпчилик боғбонлар ҳосилни йўқотиб қўйишдан чўчиб амалга оширишмайди. Ҳали айтганимдек, бизга сифат муҳимроқ.

Агрономнинг таъкидлашича, ҳосил шундай бўлсада ёмон эмас. Ҳар гектаридан 30–35 тоннагача мева олинмоқда. Авваллари эса бу кўрсаткич анча кам бўлган: 15–20 тонна. Бадриддин ака бу билан тўхтаб қолиш ниятида эмалигини, ҳосилни янада ошириб хорижга экспорт қилиш мақсади борлигини билдириди. Ҳозир ҳам "Leo Garden" МЧЖнинг четга экспорт қилинадиган меваси бор — бу гилос. Ўтган йили Корея, Хитой, Дубай ва Россия бозорларига экспорт қилинган.

Эшлишимизга қараганда, "Leo Garden" МЧЖ ишни тўғри ташкил этгани, боғдорчиликда салмоқли ютуқларга эришгани учун Паркент туманидан уларга яна 50 гектарли қўшимча ер майдони ажратилган. Ҳозирда у ерда асосан, кечпишар олма, узум, олхўри, нок, шафтоли, гилос навлари экилган.



Эрали НОРБЕКОВ  
журналист

# HOSIL

PDF Compressor Free Version

## NPK ТАРКИБЛИ ЎГИТЛАР

### Қўлланилиши:

HOSIL ўғитлари юқори даражада азот, фосфор, калий ва бошқа микроэлементларга бой NPK ўғитлари ҳисобланади. Экиннинг илк ўсиш-ривожланиш босқичида қўлланилганда, экин томирининг ўсишини тезлаштиради ва кучайтиради, қурғоқчилик ва касалликларга чидамлилигини оширади. Донли экинларда туплашни кучайтирган ҳолда, ҳосилдорликни оширади. Гуллашдан олдин қўлланилганда, тез гуллашни рағбатлантиради, дон ва меванинг ҳолатини яхшилади. Ҳосилнинг катта ва кўп бўлишини таъминлайди. Меванинг ўсиш-ривожланиши ва пишишини тезлаштирган ҳолда эрта ҳосил бўлишини таъминлайди.



📞 78 147 05 00  
📠 @ifodaagroconsulting  
🌐 www.ifoda.uz

# МАРҲАМАТ,

## ХУДУДИЙ МЕНЕЖЕРЛАРИМИЗ БИЛАН ТАНИШИНГ!

Худудий менежерларнинг асосий вазифалари вилоят, туман ва шаҳарлардаги агроном ва менежерлар фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Худудлар бўйича компаниянинг савдо режа кўрсаткичларини бажарилишини назорат қилади ва таҳлилини юритади. Худудий менежер жойлардаги агроном ва менежерлардан уларнинг фаолиятига оид қўнлик, ҳафталик ва ойлик ҳисоботларини талаб қилиб, таҳлилини юритган ҳолда тегишли бўлим раҳбарига тақдим этиб бориши лозим. Шунингдек, у компания сиёсати асосида иш олиб борилишини вилоят агрономи ва менежери орқали талаб этиб боради, қолаверса, уларнинг вазифаларини қай даражада амалга ошираётгандиги юзасидан вазифасидан озод этиш, тайинлаш ёки хайфсан эълон қилиш каби амалдаги меҳнат қонунчилигига ўрнатилган тартиб асосида тегишли раҳбарларга билдиришнома киритиш ҳукуқига эга.

Бундан ташкири ҳудудий менежерлар жойлардаги ходимлар билан биргаликда вилоятдаги кластерлар, йирик мижозлар, дилерлар, боғ ва полиз эгалари, дехқон ва фермер ҳўжаликлари билан учрашувлар ўтказиб, компаниянинг маҳсулот ва хизматларини таклиф этадилар. Мижозлар учун турли йигилишлар, семинарлар ва кўргазмали дала семинарларини ташкил этадилар.

Дарвоқе, агрономлар мижозларнинг дала майдонларига бориб, қишлоқ ҳўжалиги экинларидағи касаллик, заракуннанда ва бегона ўтларни аниқлайдилар ва уларга қарши курашиш бўйича тадбирларни белгилайдилар. Шунингдек, экинларнинг ўсиб-ривожланиши учун зарур бўлган микроэлементли ўғитлар ва стимуляторларни тавсия этадилар. Филиал менежерлари эса мижозларга агрономлар тавсияси асосида зарур бўлган маҳсулотларни ўз вақтида етказиб берадилар.

## ҲУДУДЛАРДА ИШ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАНА ШУНДАЙ ТИЗИМ АСОСИДА ИШЛАЙДИ.



**ШУКРУЛЛА КАРИМОВ,**

*Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари буйича  
ҳудудий менежер*

*Тел: +998990 640 07 56*

**Самарқанд:** 1 нафар бош менежер, 1 нафар агроном, 7 нафар филиал менежери

**Бухоро:** 1 нафар бош менежер, 2 нафар агроном, 5 нафар филиал менежери

**Навоий:** 1 нафар агроном, 4 нафар филиал менежери

**ДОНИЁРБЕК МУЛЛАБАЕВ,**  
PDF Compressor Free Version  
**Сирдарё ва Жиззах вилоятлари буйича ҳудудий**  
**менежер**  
**Тел: +99891 360 99 59**

**Сирдарё:** 1 нафар бош менежер, 1 нафар агроном, 4 нафар филиал менежери

**Жиззах:** 1 нафар агроном, 3 нафар филиал менежери



**ОБИД МАМАДАЛИЕВ,**  
**Андижон, Наманган ва Фаргона вилоятлари буйича**  
**ҳудудий менежер**  
**Тел: +998990 555 81 31**

**Андижон:** 1 нафар бош менежер, 2 нафар агроном, 7 нафар филиал менежери

**Наманган:** 1 нафар бош менежер, 3 нафар агроном, 13 нафар филиал менежери

**Фаргона:** 1 нафар бош менежер, 3 нафар агроном, 8 нафар филиал менежери

**ЖАВЛОНБЕК ФОЗИЛОВ,**  
**Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудий менежери**  
**Тел: +99890 218 20 60**

**Сурхондарё:** 1 нафар бош менежер, 4 нафар агроном, 11 нафар филиал менежери,

**Қашқадарё:** 1 нафар бош менежер, 2 нафар агроном, 4 нафар филиал менежери





PDF Compressor Free Version

**АБДУСАМАТ ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
**Корабалпогистон Республикаси ва Ҳоразм вило-**  
**яти ҳудудий менежери**  
**Тел: +99891 340 80 60**

**Корабалпогистон:** 2 нафар агроном, 6 нафар менежер

**Ҳоразм:** 2 нафар агроном, 3 нафар менежер

## ОЛМАНГИЗ ҲАРИДОРБОП БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...



Бу йил ёвингарчилукнинг ҳаддан зиёд кўп бўлиши кўплаб экинларга, хусусан, боғдорчилукка ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмади. Мисол учун Қашқадарё вилоятидаги мазкур боғдаги олмаларга эътибор берсангиз, бунга ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Бу ерда кўп турдаги касалликларнинг ривожланниб тарқалишига замин яратилган. Шулардан асосийлари калмараз, парша касалликлари. Бу касалликларнинг таъсирни натижасида олмада тўрланишлар, қора дөвлар пайдо бўлиб, ёрилиш аломатлари кузатилган ва мева ўз харидорболигини ўйқотган.

– Бу ерда табиатнинг ҳам устунлигини сезишимиз мумкин, – дейди етакчи агроном Алишер Маматвалиев. – Негаки, эрта баҳорда ҳам кимёвий ишловлар ўтказилган, бироқ ёмғирнинг ниҳоятда кўп бўлиши касалликларга айни муддоа бўлган. Энди шундай бўлсада, касаллик тушибди деб кўл қовуштириб ўтираслик керак. Агар ҳозир бунга эътибор бермайдиган бўлсак, навбатдаги ҳосил бериши 2-3 йилгача чўзилиб кетиши мумкин.

Агроном бу касалликларга қарши таркибида капитокс, фосетел-

алюминий, шунингдек, кумуш моддаси бўлган ЗЕРОКС препаратини қўллашни тавсия этади. Бу касалликлардан ташқари боғларда бактериал кушиш, манелиоз, уншудринг касалликлари учрайди. Бу касалликларга ҳам бир даврнинг ўзида курашиш мумкин. Буларга қарши дастлабки босқичда "голден" бўлмаган олма навлари учун ФЛУТСИЛ препаратини қўлласа бўлади. Қолаверса, таркибида мис тутувчи препаратлар, масалан, оддий ҳолларда уй шароитида тайёрлаш мумкин бўлган бордо суюклигини тайёрлаб сепилганда ҳам бу касалликнинг олдини олиш мумкин. Бундан ташқари ЭНТОХЛОРОК-85 (1 тонна сувга 4 кг), ЭНТОХЛОРОК ГЛУС (3 кг 1 тонна сувга) ва КРЕЗАКСИН (200 гр/га.) кимёвий воситаларидан фойдаланилса, самарали натижага эришса бўлади.

– Кўп ҳолларда кимёвий воситалар қўлланилганда ҳам, мана шундай тўрланишлар ҳосил бўллади, – дейди А. Маматвалиев. – Масалан, Флутсил препаратини "голден" навали олмага қўлланилса, тўрланиш ҳосил қилиши мумкин. Шунинг учун боғларда кимёвий воситаларни қўллаётганда, албатто, агроном-мутахассислар билан бамаслаҳат амалга оширишларини илтимос қиласмиз



Birgalikda yetişiriz! **PDF Compressor Free Version**  
Вырастим вместе!  
We grow together!

# PROTEKT

**КҮСАК ҚУРТИ ВА  
БОШҚА КЕМИРУВЧИ**  
зааркунандаларга  
қарши құлланиладиган  
инсектицид!



## Құлланиши:

Қишлоқ хұжалиғи әкинларидаги ғүза түнлами (күсак қурти), тут парвонаси, шингил баргүрари ва олма мевахүрига қарши самарали инсектицид.



📞 78 147 05 00  
📨 @ifodaagroconsulting  
🌐 www.ifoda.uz





## ДЕҲҚОН НАТИЖА БИЛАН ЖАВОБ БЕРАДИ

Июнь ойининг 20 санасидан июль ойининг 10 санасигача фўзанинг ашаддий кушандаларидан бири бўлган қўсак қурти (фўза тунлами) фўзага жиддий хавф туғдирадиган давр ҳисобланади. Шу вақт мобайнида бу заараркунандага қарши курашилмаса, ҳосилни 50–60 фоизгача йўқотиш ҳеч гап эмас.

Фўза тунлами 200–300 донаагача тухум қўяди. Тухумлар 7–8 кун оралиғида личинкага айланади ва шу даврдаёқ фўзага зарар беришни бошлайди. Дастанаб шонага, сўнгра пастроққа тушиб кичик қўсакларга ва бора-бора катта қўсакларга ҳам зиён келтиради, еб қуритади, бу ўлгур. Одатда бу заарарли ҳашарот қиши фаслида ерга кириб жон сақлайди. Қишининг ўз вақтида ва совук келиши, ернинг музлаши эса қўсак қуртининг қирилиб кетишига сабаб бўлади. Аксига олиб дeng, бу йил қиши ҳам кўнгилдагидек келмади. Шунинг учун бу "ноинсофлар"га қарши ўз вақтида ва самарали курашмаса бўлмайди.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчик туманидаги "Ўртасарой АгроИнвест" фермер хўжалиги мана шундай кураш аллақачон бошлаб юборилган. Бу курашда ҳозирча фермернинг қўли баланд келмоқда. Сабаби хўжалик раҳбари Абдулла

Тошхўжаев Ифода компанияси билан ҳамкорликда унинг феромон-тутқичларини қўллашмоқда.

Фермер ҳақида қисқача. Абдулла ака олим агроном. Қишлоқ хўжалиги соҳасида 43 йиллик тажрибага эга инсон. Оддий табелчиликдан Фермерлар кенгаши раисигача бўлган йўлни босиб ўтган. Унинг қарамогида 158 гектар ер бор. Унинг 92 гектари пахта, қолгани эса фалла. "Ўртасарой АгроИнвест" фермер хўжалиги 2002 йилда ташкил этилган. 2005 йилдан бери "Ифода" билан ҳамкорлик қилиб келади.

— Айни пайтда бундай заараркунандаларнинг З даври бошланган. Бу энг хавфли давр,— дейди А. Тошхўжаев.— Шу боис бунга қарши феромон-тутқичларни қўйганимиз. Тан оламан, авваллари бошқа феромонлардан фойдаланган, "Ифода" феромонларига унчалик ишонмаганман. Ўтган йили синов тариқасида 2 та худди шундай тутқичлардан фойдаланганимиз. Натижা эса бизни ҳайрон қолдириди: кунига 15–17 тагача фўза тунламини ушлаб берди. Ҳозир ҳам мана шу феромонларни қўйганимизга 3 кун бўлган бўлса, кўришингиз мумкин 30–40 та заараркунанданинг "бошини ебди".

Фермернинг ушбу майдонида 14 дона тузоқлар қўйилган. Бу

тузоқлар ҳар 3–4 кунда алмашлаб туриш тавсия этилади. Шунингдек, қўсак қурти ёппасига тарқалиб кетишини ҳисобга олсан, самарали курашиш учун кимёвий ишлов ўтказиш ҳам маслаҳат берилади.

— Кўсак қуртига қарши бир нечта препаратларни тавсия эта-миз,— дейди Ифода компаниясининг Тошкент вилояти бўйича савдо менежери Дилмурод Сафаров.— Бунинг учун ENTOVANT PRO гектарига 250–300 граммдан, PROTEKT 400–500 граммдан ENDOKSAMIKTIN гектарига 500–600 граммдан қўллаш керак бўлади.

"Ўртасарой АгроИнвест" фермер хўжалиги раҳбари феромон-тутқичлардан фойдаланаётгани учун кимёвий ишлов ҳозирча шарт эмаслигини айтади. Бироқ дехкон натижা билан жавоб берар экан, мана шундай кушандаларга қарши керакли чораларни ўз вақтида қўллаш лозим.

Маълумотларга кўра, 2020 йилда фўза тунлами Республика бўйича 384,3 минг гектар майдонга тарқалиб, кимёвий ишлов ўтказиладиган майдон такрор ишлаш ҳисобига 988,9 минг гектарда ўтказилиши башорат қилинмоқда.



PDF Compressor Free Version

Birgalikda yetishtiramiz!  
Вырастим вместе!  
We grow together!

# ENTOLUCHO

ШИРА, ТРИПС ВА БОШҚА  
ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА  
ҚАРШИ ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН  
ИНСЕКТИЦИД!



## Құлланиши:

Зараркунандаларга қарши сиртдан ва меъда-ичак орқали ичдан (системали) таъсир этувчи самарали инсектицид. Препарат үсимлик танасига шимилади ва зараркунанда озиқланганда меъда орқали таъсир этади. Шира, трипс, қандалалар, тут парвонаси, колорадо құнғизи, визилдок құнғизи, ғовакловчи пауша, қалқондорлар, мевахүрлар, баргүрар куртлар, тунламлар, чигирткасимонлар, симқуртларга қарши самарали курашади.



78 147 05 00 ☎

@ifodaagroconsulting 📱

www.ifoda.uz 🌐

# ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ ЭҢГ ЯХШИ БИОТЕХНИК ВОСИТА

Мамлакатимиз мева, сабзавот ва дала экинлари етиштириш бўйича дунёда мухим ўрин тутади. Етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нафақат ички бозорни таъминламоқда, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорини топмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш мақсадида хорижий замонавий технологияларга мослаштирилган тизимлар қўлланилмоқда. "ИФОДА" компанияси соҳага оид технологияларни ишлаб чиқариш ва хорижий технологияларни маҳаллий шароитга мослаштиришда сезиларли ютукларга эришиб келмоқда.

Ўсимлик зараркунандаларига қарши самарали курашиш учун кимёвий моддалар билан бир қаторда феромон түзөклари ҳам қўлланилмоқда. "ИФОДА" компанияси томонидан 2019 йилда пахта, олма, помидор, шафтоли, гилос, анор, олхўри, лимон, узум, қовун ва картошкада феромон түзөкларини қўллаш бўйича дала синовлари ўтказилди. Бу синовлар муваффақиятли якунланиб, самарали натижаларга эришилди.

Ҳар бир ўсимлик зараркунандасининг ўз феромон тузоги мавжуд бўлиб, феромон тузогидан фойдаланиш зараркунан-

даларга қарши курашишда, хусусан, дорилаш жараёни учун тўғри вақтни аниқлашда мухим аҳамият касб этади. Дорилаш жараёни учун тўғри вақтини аниқлаш зараркунандаларга қарши курашишда самарали натижага эришишни таъминлайди. Дорилаш жараёнидаги барқарорликни таъминлайди. Зараркунандаларга қарши биотехник курашишда фойдаланилган универсал түзөклар оммавий курашишда ҳам самара беради. Оммавий курашишда 70–80% самарага эришиш мумкин.

## Феромон түзөклари ёрдамида:

- ҳашаротларнинг ҳаракатланишини аниқлаш,
- этилган зараркунандаларнинг чиқиш

## вақтини аниқлаш,

- зарур вақтда керакли түзөкларни ишлатиш,
- зараркунандаларнинг зичлиги

ва дори қўллаш вақти аниқ белгиланади.

**Феромоннинг фойдалари қўйидагиларда намоён бўлади:**

- Атроф-муҳитга зарар етказмайди;
- Ўзидан қолдик қолдирмайди;
- Жараённинг таъсири узоқ вақтга этади;
- Фойдаланувчининг соғлиғига зарарли эмас;
- Органик қишлоқ хўжалигидаги фойдаланиш мумкин;
- Зараркунандага қарши интеграциялашган курашиш стратегиясига юқори даражада мослаштириш мумкин;
- Баъзи усул ва маҳсулотлар оддий иш шароитида тайёрланиши мумкин;
- Қўллаш учун мураккаб машиналарга эҳтиёж сезилмайди;
- Сақлаш ва ташиш жуда қулай;
- Қайта ишлатилиши мумкин;
- Феромон тузоқ орқали тизимларнинг курашиш жараёнини кўриш мумкин.



# Ҳар бир экин учун феромон

Феромон тузоклар



Олма құрты феромони



Олхұри құрты феромони



Илдиз құрты феромони



Карадрина феромони



Гилос пашиаси феромони



Цитрус күяси феромони



Күсак құрты феромони



Анор құрты феромони



Помидор күяси феромони



Картошка күяси феромони



Шингил құрты феромони



Шарқ мевахұры феромони



Шафтоли құрты феромони

# “ҮСИМЛИКЛАР ВИРУСИ” ЁХУД БАКТЕРИАЛ КУЙИШ КАСАЛЛИГИ

зарари, оқибатлари ва олдини олиш чоралари ҳақида



Маълумки, үсимликларда учрай-диган касаллик ва зараркунандаларнинг кўпчилиги асосан, экин мевалари ва унинг баргига зарар келтириб, оқибатда ҳосилнинг сифатсиз бўлиши, камайиши ёки бутунлай йўқ бўлишига сабаб бўлади. Аммо шундай касалликлар ҳам борки, у нафақат ҳосил, балки, дарахт шохлари, унинг танаси, умуман, экиннинг ўзига зарар келтириб, ўтниндан бошқасига ярамайдиган қилиб қўйиши мумкин. Бу «бактериальный ожог», яъни бактериал куйиш касаллиги.

Мазкур касаллик энг хавфли касалликлар турига кириб, 170 дан ортиқ үсимлик турига зиён келтиради. У асосан мевали экинлар, хусусан, олма, нок, беҳи каби дарахтларда кўп учрайди. Бактериал касаллик дарахтнинг ҳосил тугувчи куртакларини, новда ва шохларини нобуд қиласи ҳамда мева ҳосилдорлигини кескин камайтиради. Аксарият ҳолларда дарахт-

нинг буткул қуриб қолишига сабаб бўлади. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ушбу касаллик билан курашишда мутлақо сўсткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Дарвоқе, бактериал касалликни “үсимликлар вируси” деб ҳам атасак бўлади. Фақат у ҳаво-томчи эмас, балки бирор жисм, қушлар ёки ҳашоротлар орқали тарқалиши фанда исботланган. Бу ҳақида қўйида айтиб ўтамиш.

## Илк аломатларини қандай сезиш мумкин?

Бактериал куйиш касаллиги йиллар давомида некроз (яралар) шаклида дарахт танаси ва шохларида қишлияди. Баҳор келиши билан у қайта ҳаракатга келади. Касалликнинг ilk аломатлари барглар, гул тугунчалари ва новдаларда кўринади. Барглар ва гул тугунчалари секин-аста қўнғир тусга кира бошлайди. Улар қорайиб, дарахт шохларидан тўкилмай қуриб, қовжираб

қолади. Новдалар учи эса эгилиб, пастга қараб қурий бошлайди. Новданни пўсти тарам-тарам бўлиб ёрилади. Янги новдалар буришиб, ярим ой ҳолатига келади. Новда учлари бактерияга таъсирчан бўлгани боис ҳамда ташки таъсир орқали очилиб қолган тўқималар ҳам бактерия споралари учун кириш нуқтаси ро-лини ййнайди. Шу йўл билан бактерия дарахтнинг бутун танаси бўйлаб тарқала бошлайди. Шунингдек, пўстлоқнинг ёриқ жойлари юмшаб, суюқлик ажralиб чиқади. Оқиб чиқсан суюқлик дастреб рангиз бўлиб, аста-секин қўйилиб, қаҳрабосариқ ёки тўқ қўнғир ранга киради. Ана шу оқиб чиқсан суюқлик шу касалликнинг бошқа ўхшаш касалликлардан фарқлади. Зарарланган пўстлоқни кесиб остига назар солсангиз, дарахтнинг пўстлок ости (камбий қисми) жигарранг ҳолга келганини кўришингиз мумкин.

Касаллик асосан, намгарчиликда ривожланиб боради. Зарарланган жойлардан чиқадиган оқ суюқликларнинг чиқиши айнан нам об-ҳавода содир бўлади. Қолаверса, юқорида айтганимиздек ушбу бактериал касалликнинг бошқа дарахт ёки үсимликларга кенг тарқалиш хавфи мавжуд.

## Касалликка сабаб бўладиган омиллар

Бактериал куйиш касаллигига бир нечта омиллар сабаб бўлади.

**1) Зарарловчи бактерия споралари.** Бунда бактерия ёпишқоқ шира ҳолида ёмғир, шамол, қушлар, асалари ва ҳашоратлар орқали узок масофага тарқалади. Эрта баҳорда үсимлик гуллаш даврига келганда асаларилар мева гулларини чанг-

# ZEREBRA AGRO

## ТАЪСИР ЭТУВЧИ МОДДАСИ

коллоидли кумуш 500 мг/л +  
полигексаметиленбигуанид  
гидрохлорид 100 мг/л.

Препарат шакли – сувли эритма.



### Қўлланилиши:

Экиладиган уруг, кўчат ва ниҳолларга ишлов бериш – препаратни ўзи билан ёки уруг дорилашда қўлланиладиган препаратлар билан биргаликда ишлов берилади.

Ўсимликларнинг ўсув даврида ишлов бериш – препаратнинг ўзи 1-3 марта пуркалади ёки бошқа пестицидлар ва агрокимёвий воситалар билан биргаликда пуркалади.



Группа компаний  
АгроХимПром



O'zbekiston Respublikasidagi  
rasmiy distribyutori

[www.scs.technology](http://www.scs.technology)

78 147 05 00

@ifodaagroconsulting

[www.ifoda.uz](http://www.ifoda.uz)



## Контроль

# Назорат

лайди ва бу пайтда агар бактерия споралари гулларда мавжуд бўлса, касаллик тарқалиш эҳтимоли кучайиб кетади.

**2) Касалликка мойил дараҳтлар.** Кўп ҳолларда касалликка сабаб бўладиган асосий сабаблардан бири айнан дараҳт навларининг шу касалликка мойиллигига кўринади. Масалан, олма ва нокнинг аксарият навлари ҳамда уларнинг пайвантаклари бактериал кўйиш касаллигига мойил ҳисобланади. Фақат баъзи навларигина ушбу касалликка чидамли деб топилган.

**3) Қулай об-ҳаво шароити.** Касалликнинг инкубацион даври 3–4 кундан 6–10 кунгача чўзилиши мумкин. Дараҳтларнинг заарланиши ҳаво серёғин келиб, Мевалари ёш, пишмagan даврда заарланади, пиша бошлаган ва пишган меваларда касаллик ривожланмайди. Касаллик 16°C дан юқори ҳароратларда тарқалиб ривожланади. Энг қулай шароит кундузги ҳароратни 24–29°C оралиғида ва тунгги ҳароратнинг эса 13°Cдан баланд бўлишидир. Кундузги ҳароратнинг 16°Cдан тушиб кетиш ҳолларида бактериянинг ривожланиши ва тарқалиши сезиларли даражада секинлашади. Бактериянинг ривожланиши учун қулай ҳарорат 30°C гача бўлиб, ундан ошиб кетса

касаллик ривожланишдан тўхтайди. 45–50°Cда эса улар ўлади. Дарвоқе, ўсимликлар ёзда касалликдан тузалганга ўхшаса-да, баҳорда дараҳт танасида сув югуриши билан «уйғониб», бутун ўсимлик бўйлаб тарқалиб кетиши ҳам мумкин.

**4) Намгарчилик.** Баҳор фаслининг серёғин, илиқ ва нам шароитлари касаликнинг ривожланишига қулай имконият саналади. Қулай нам ҳаво шароитида 1 та бактерия 2–3 кунда 1 триллионгacha кўпайиши мумкин. Касаллик ривожланмаслиги учун ҳаво намлиги 70%дан баланд бўлмаслиги зарур. Кунлар исиб ҳаво ҳарорати қуриб бориши билан заарланиш эҳтимоли пасайиб боради. Айниқса ёз ойларига бориб бундан буткул кутилиш мумкин.

**5) Нозик тўқималарнинг шикастланиши.** Дараҳтнинг ёш тўқималарининг шикастланиши ҳам бактериал касалликка сабаб бўлиши мумкин. Бундай шикастланишлар одатда дўл сабабли юзага келади. Дўл нозик тўқималарни заарлаб уларда ёриқлар ҳосил қиласди. Ҳосил бўлган ёриқлар касаллик тарқалиши учун қулай шароит яратади.

Айтиш мумкинки, мазкур омиллар кузатилмаса, бу касаликнинг зараридан қўрқмаса ҳам бўлади. Бирок юқорида санаб ўтилганларнинг акса-

рияти инсониятга боғлиқ эмас. Шундай экан ушбу касалликка қарши ўз вақтида кескин чораларни қўллаш керак.

### Қандай чораларни қўллаш мумкин?

Аввало, мутахассислар энг яхши чора сифатида ушбу бактерияга чидамли мева навларини экиш лозимлигини таъкидлашади. Аммо касаллик мавжудлиги кузатилса, зудлик билан касалланган дараҳт новдасини кесиб, боғдан олиб чиқиб ташлаш зарур. Шу йўл билан унинг тез ривожланиши ва тарқалишини олдини олиш мумкин. Энг хавфсиз чоралардан бири мавсум давомида касалланган новдани аниқлаб, қўл билан синдириш ва ёқиб юбориш. Негаки синдирилган шоҳда ҳам бактерия ўлмаган бўлади. Бу ишни кечиктираслик керак, акс ҳолда ҳар бир кечиктирилган кун 6 баробар кўп кесишга тўғри келади. Мабодо боғдорчилик ускуналари, қайчи, болта ва аррадан фойдаланилса, уни дарҳол хлорли эритма билан тозалаш зарур бўлади. Чунки мана шу асбоблар орқали ҳам бактерия тарқалишига катта имконият яратилиши мумкин. Агар касалланган шоҳни кесиб олмоқчи бўлсангиз, касалланган жойдан имкон борича 30 см пастроқдан кесинг, сабаби, соғлом



 Zerox®

күриниб турган пүстлоқнинг тагида ҳам бактерия мавжуд бўлиши мумкин.

Шунингдек, дарахтларни тўғри парваришлаш қоидаларига доим амал қилиш керак. Мисол учун, меъёридан кўп ўғит солмаслик, керагидан ортиқ бутамаслик ва ҳоказо. Булар дарахтларнинг вегетатив ўсишини кучайтиради ва касалликка янада мойил қилиб қўяди. Бундан ташқари касаллик пайдо бўлганини сезганда, кимёвий ишловларни ўз вақтида ва меъёрида амалга ошириш талаб этилади. Лекин бир турдаги кимёвий воситалар унча самара бермайди. Чунки бактерия антибиотикларга тез кўникумга ҳосил қиласди. Бора-бора препаратнинг таъсири кучи йўқолиши мумкин. Барibir энг яхши ва самарали чора санитария қоидаларига тўла амал қилишdir.

#### **Қандай кимёвий ишловлар ўтказилади?**

Мазкур касаллик барча инфекцион касалликлар каби замонавий антибиотиклар ёрдамида даволанади. Баҳорнинг нам ва илиқ ҳароратли кунларида мева гуллаб, токи гул барглари тўкилгунча стрептомицин (17% формуласи 100 литр сувга 40-60 грамм миқдорда) ёки окситетрациклин (17% формуласи 100 литр сувга 120 грамм миқдорда) препаратлари-

дан фойдаланиш мумкин. Мева гуллари ва новдалар учлари касаллик тарқалиши учун энг мойил дарахт аъзолари бўлгани сабабли, ушбу препаратларни яхшилаб сепилишини назорат қилиш керак. Қолаверса, бактериялар бунга осон кўникуш ҳосил қилиши туфайли кўп фойдаланиш тавсия этилмайди.

Шунингдек, 0.5дан 1.0%гача мис купароси аралашмасини (бордо суюқлиги ҳам бўлади) куртаклар 0.5см ўсган пайтда сепиш керак бўлади. Бу дарахтнинг ташқи қисмида касаллик кўпайиши олдини олишга хизмат қиласди. Унутманг, мис купароси меваларнинг устки қатламида дағал доғлар ҳосил қилиш хавфини ҳам туғдириши мумкин. Шу боис сепилаётган аралашмага имкон қадар камроқ мис купароси кўшинг ва агар иложи борича мевалар гуллаганидан кейин сепишга ҳаракат қиласди.

Ифода компанияси бактериал куйиш касаллигига қарши курашишда трансламинар таъсири этувчи фунгицид ва бактерицид Zeroxhe® препаратини тавсия қиласди. Препарат замбуруғ ва бактерияларга қарши тўғридан-тўғри таъсири этувчи биоцид, шу билан бирга ўсимликлар ўсишини тезлаштирувчи ва уларни иммунизацияловчи препарат сифа-

тида қўлланилади. Бактериал куйишнинг қўзғатувчиларига бевосита бактерицид таъсири мухим бўлиб, экиннинг гуллаш даврида ишлатилади.

Шу кунга қадар ушбу препарат кўпгина касалликларга, шу жумладан, барҳам бериш қийин бўлган касалликларга қарши қўлланилганда юқори натижা кўрсатиб келмоқда. Zeroxhe® препаратини бошқа фунгицид ва антибиотиклардан фарқли жиҳати шундаки, препарат таркибида антибиотиклар йўқ ва коллоид кумуш таъсири юқори даражада самара беради. Шунинг учун Zeroxhe® экологик жиҳатдан хавфсиз (хавфлилик даражаси: инсон учун – 4-синфга оид, ҳашаротлар учун – 3-синфга оид) ҳисобланади. Препаратни қўллаш дозалари унинг фаол модаларига нисбатан ҳисобланганда, таркибида металлар бўлган анъанавий фунгицидлар билан солиштирганда, жуда кичкинадир. Энг асосийси, Zeroxhe® препарати мустақил қўлланилганида ҳам, бошқа фунгицидлар билан комплексда ишлатилганида ҳам жуда юқори натижалар кўрсатиб келмоқда.

**Эрали Норбеков тайёрлади**

**"IFODA" КОМПАНИЯСИНИНГ БОШ МЕНЕЖЕР, АГРОНОМ  
ВА ЖОЙЛАРДАГИ САВДО ФИЛИАЛЛАРИ РҮЙХАТИ**

PDF Compressor Free Version

Вилоят	Телефон рақами	Филиал номи
<b>Андижон</b>	912920537	Андижон
	913407300	Асака
	906404052	Олтинкүл
	911770028	Булоқбоши
	911770025	Жалақудук
	911770018	Шаҳрихон
	911770019	Куйганёр
	912921900	Фарғона
<b>Фарғона</b>	911780061	Бешарик
	911780059	Олтиариқ
	901565400	Фурқат
	901564900	Ёзёвон
	911770072	Бувайда
	913660756	Қува
	913408200	Қўқон
	911770073	Бағдод
<b>Наманган</b>	905514506	Поп
	905514507	Учқўргон
	913609979	Беруний соҳили
	906417307	Мингбулоқ
	911812300	Наманганд
	911780038	Чуст
	911780036	Чорток
	911780031	Норин
	911780032	Уйчи
	911780034	Тўракўргон
	911780035	Косонсой
	911780037	Тошбулоқ
	913407200	Янгиқўргон

<b>Тошкент</b>	911770059	Оқкүрғон
	911770058	Паркент
	911780056	Үртачирчик
	911812100	Тошкент
	911770059	Бекобод
	911770061	Оҳангарон
	911770063	Янгийўл
	912923500	Қибрай
	911780042	Боёвут
	911780041	Баҳт
<b>Сирдарё</b>	912921400	Гулистон
	912921300	Оқолтин
	911770054	Гулистон
	911770037	Янгибод
	912921200	Жиззах
<b>Жиззах</b>	911780024	Зомин
	911780023	Дўстлик
	912921600	Самарқанд
<b>Самарқанд</b>	912921700	Каттақўрғон
	913684808	Боғишамол
	911780039	Ургут
	911770053	Тойлоқ
	911770052	Оқдарё
	913687002	Пахтачи
	911770048	Булунғур
<b>Бухоро</b>	911770046	Жомбой
	911780019	Қоровулбозор
	912922700	Бухоро
	901564600	Пешку
	911770034	Вобкент
	911770029	Фиждувон
	911770034	Жондор

**PDF Compressor Free Version**

<b>Навоий</b>	911813005	Навоий
	911770043	Хатирчи
	911770042	Навбаҳор
	911780029	Қизилтепа
	912922400	Сурхондарё
<b>Сурхондарё</b>	912922600	Денов
	913683848	Қизириқ
	911780048	Ангор
	911780047	Жарқўрғон
	911780046	Музработ
	911780051	Олтинсой
	911780053	Сариосиё
	911780052	Узун
	911780049	Қумқўрғон
	911780045	Шеробод
<b>Қашқадарё</b>	911780043	Шўрчи
	912921800	Қашқадарё
	911770041	Косон
	911770038	Касби
	911780026	Китоб
<b>Хоразм</b>	911770039	Яккабоф
	911770038	Қарши
	912923100	Хоразм
	911770083	Богот
	911770082	Шовот
<b>Қорақалпогистон</b>	912923200	Нукус
	913408400	Қўнғирот
	913408700	Чимбой
	911813200	Тўрткўл
	911780012	Беруний
	911780014	Амударё



**PDF Compressor Free Version**  
Birgalikda yetishtiramiz!  
Вырастим вместе!  
We grow together!



# ENTOMAYT

**ҮРГИМЧАККАНАГА ҚАРШИ КУРАШДА  
ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН САМАРАЛИ АКАРИЦИД!**

### Құлланиши:

Фүзани зааркундалардан үйғунлашган усулда ҳимоя қилиш дастурига кириtilгап замонавий акарицид. Бөгларда ва дала әкинларида каналарнинг барча ҳаракатчан фазалари (личинка, нимфа ва етук зот)га үқори самарали.



78 147 05 00 ☎  
@ifodaagroconsulting 📩  
www.ifoda.uz 🌐

PDF Compressor Free Version

МИНЕРАЛ ЎТИЛЛАРНИ  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ



КУКУН ХОЛДАГИ ГЕРБИЦИД  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ



ГЛИФОСАТ  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ



ТАЙЁР МАХСУЛОТЛАР  
ОМБОРИ



ФУНГИЦИД ВА АКАРИЦИД  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ



ГЕРБИЦИД  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ



КУКУН ХОЛДАГИ ФУНГИЦИД  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ



ОШХОНА



ХОМ АШЁ ОМБОРИ



МЕД.ПУНКТ



Bizqurkida qetishdaromiz  
Бизжуркимда оларимиз  
We grow together!

